

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

43-сон
(1011)
2021 йил
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

638. «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 октябрдаги ЎРҚ–724-сон Қонуни
639. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 октябрдаги ЎРҚ–725-сон Қонуни
640. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 октябрдаги ЎРҚ–726-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

641. «Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини табиий ва суюлтирилган газ би-

- лан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 октябрдаги ПҚ-5267-сон қарори
642. «Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ-5268-сон қарори
643. «Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 октябрдаги ПҚ-5269-сон қарори
644. «Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 октябрдаги ПҚ-5270-сон қарори

Учинчи бўлим

645. «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрдаги 656-сон қарори
646. «Давлат хизматлари кўрсатишнинг инфратузилмаси такомиллаштирилганлиги ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрдаги 661-сон қарори
647. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрдаги 662-сон қарори

Бешинчи бўлим

648. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 2021-37-сон «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172-2*)
649. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил 14 октябрдаги 12-сон «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган

хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156-1*)

650. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрдаги 3-сон «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071-2*)

651. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2021 йил 15 октябрдаги 281-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3210-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

Ҳакамлик судлари тўғрисида маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****638 «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 18 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 21 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги 480–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 4¹-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **1¹-модда** билан тўлдирилсин:

«1¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий рамзлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Президентининг белгиси ва штандартига (байроғига) эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг белгиси ва штандарти (байроғи) тавсифи, улардан расмий фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 октябрда эълон қилинган.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 октябрь,
ЎРҚ-724-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

639 **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 19 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 21 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда) **483-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«2021 йилнинг 10 октябридан 31 декабрига қадар бўлган даврда гўшт (мол, қўй, товук), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотларни, картошкани ҳамда музлатилган балиқни реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 октябрда эълон қилинган.

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ушбу Қонуннинг қоидалари 2021 йил 10 октябрдан эътиборан юзага келадиган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 октябрь,
ЎРҚ-725-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

640 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 24 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 27 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»-ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 октябрда эълон қилинган.

2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг номи ва матни** «ички ишлар органларининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **28-модданинг «и» банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«и) вафоти ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига) — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 30 фоизи»;

3) **37-модда биринчи қисми:**

«а» **бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ходим томонидан бажарилган ҳар қандай иш, башарти меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса, шунингдек жисмоний шахснинг 2021 йил 1 июндан кейинги ишламаган даври учун унинг эри (хотини) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги ўз даромадларидан ихтиёрий асосда ижтимоий солиқ тўлаган давр»;

«б» **банди** «давлат хавфсизлиги органларида» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **42-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси) иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

2005 йил 1 январдан аввалги даврлар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги (электрон меҳнат дафтарчасидаги) мавжуд ёзувлар асосида, тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан белгиланади.

Меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси) ёки унда тегишли ёзувлар мавжуд бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **43-модда:**

учинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маъмурият (бошқарув) ариза келиб тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга аризачининг танловига кўра унинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи

бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига юборади»;

бешинчи қисмидаги «истиқомат жойидаги» деган сўзлар «доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **52-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52-модда. Пенсияларга пенсияларни тўлаш

Пенсияларга пенсиялар уларнинг танловига кўра доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан зиммасига пенсияни етказиб бериш (топшириш) юклатилган ташкилот ва тижорат банкининг филиаллари орқали тўланади»;

7) **60-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60-модда. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсиялар тўлаш

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия ва уларнинг таъминоти учун сарф-харажат ўртасидаги фарқ тўланади, лекин тайинланган пенсиянинг камида 20 фоизи тўланади. Рухий ҳолати бузилган шахслар учун интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди»;

8) **63-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Пенсия вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига ушбу ой учун тўлиқ тўланади»;

9) **65-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Текшириш (ўрганиш) ўтказиш бошланган санадан аввалги уч йил ва ундан ортиқ даврда тайинланган ва (ёки) қўшимча тақдим этилган ҳужжатларга биноан қайта ҳисобланган пенсияларнинг текширилишига (ўрганилишига) ҳамда улар бўйича тўланган ортиқча суммаларнинг ушлаб қолинишига (ундирилишига) йўл қўйилмайди»;

иккинчи — олтинчи қисмлари тегишинча **учинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенсия вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига ушбу ой учун тўлиқ тўланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кен-

гашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова) **141²-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

- в) ғаразли ёки бошқа паст ниятларда;
- г) хизмат мавқеидан фойдаланган холда содир этилган бўлса;
- д) оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова) **78-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бундан ташқари, башарти эксперт, мутахассис, таржимоннинг ўз касбига нолайиқлиги аён бўлиб қолса, холислар эса, ички ишлар органи, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходими бўлсалар, рад қилинишлари лозим».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Рес-**

публикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ана шу шахслар мазкур Кодекснинг 61, 116¹, 116², 116³, 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135¹, 136, 138, 183, 184, 185, 185¹, 185², 185³, 194, 194¹, 209¹, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (ушбу Кодекснинг 194 ва 194¹-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир

этган шахслар бундан мустасно) ишлар вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим»;

2) **16-модданинг биринчи қисми** «ички ишлар органларининг» деган сўзлардан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **46²-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шахсга доир маълумотларни қонунга ҳилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари, мансабдор шахсларга эса — эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **175¹-модданинг номи** ва **биринчи қисми диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«175¹-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликни бузиш

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисоби субъектининг ва (ёки) бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари томонидан бажармаганлик, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончилигини таъминламаганлик, шунингдек активлар ва мажбуриятларнинг инвентаризациясини ўтказмаганлик»;

5) **247-модданинг матнидаги:**

«194-моддасида» деган сўзлар «194 ва 194¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«185» рақамидан кейин «185¹» рақами билан тўлдирилсин;

6) **248¹-модда биринчи қисмининг ўзбекча матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 61, 185¹ (божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ташқари), 194¹, 195¹, 196 (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига тегишли қисми бўйича) ва 210¹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар-

ни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади»;

7) **258-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «тиббиёт бошқармаси бошлиғининг ўринбосари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **287-модданинг 1-банди** «185» рақамидан кейин «185¹» рақами билан тўлдирилсин;

9) **288-модданинг учинчи қисмидаги** «194, 195» рақамлари «194, 194¹, 195, 195¹» рақамлари билан алмаштирилсин;

10) **305-модданинг иккинчи қисмидаги** «194» рақами «194, 194¹» рақамлари билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда, № 10, 593, 595-моддалар, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **68-моддасининг тўртинчи қисми** «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Миллий гвардияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **16-модда:**

учинчи қисмидаги «ташкилотнинг (мол-мулкнинг)» деган сўзлар «ушбу давлат мулкнинг (ташкилотнинг ёки бошқа мол-мулкнинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма беш фоиздан ошмаслиги керак»;

2) **33-модданинг:**

саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади»;

ўнинчи ва ўн биринчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши мазкур чиқарилишни тўхтатиб туришга олиб келган қоидабузарликлар жамият томонидан бартараф этилмаган, шунингдек мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг олтмиш фоиздан кам қисми уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда хусусий жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб эътироф этилади.

Ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, жойлаштириш ҳажмидан қатъи назар, амалга ошган деб эътироф этилади»;

3) **34-модданинг иккинчи қисмидаги** «(қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш)» деган сўзлар «(ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **51-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Акциядорлик жамияти тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **58-модда:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади»;

еттинчи қисми саккизинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) **59-модда:**

биринчи қисмининг ўн тўққизинчи хатбошисидаги «қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш» деган сўзлар «(ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш» деган сўзлар «(ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 62-модда:

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Акциядорларга ва давлат вакилига берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак»;

8) 64-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби»;

9) 70-модда:

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади»;

10) 72-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланадиган баённома тузади. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар

умумий йиғилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин акциядорларнинг қоғоздаги ёки электрон жисмдаги овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ва жамият архивига сақлаш учун топширилади»;

11) **75-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «(қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш)» деган сўзлар «(ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **78-модда саккизинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар»;

13) **91-модданинг ўнинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозларни ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларида реализация қилишда».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида**»ги 279–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–404-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 124-модда; 2021 йил, № 1, 7-модда, 4-сонга илова) **11-моддаси учинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва эълон қилинишини».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 4, 199-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **72-моддасидаги** «Мудофаа вазирлигига» деган сўзлар «Мудофаа вазирлигига ва Миллий гвардиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модда:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**биржа облигацияси** — чиқарилиши фонд биржаси томонидан рўйхатга олинadиган ва фонд биржасининг котировкалaш варағига киритилган, акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган қарз эмиссиявий қимматли қоғоз»;

тўртинчи — қирқ еттинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — қирқ саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **йигирма учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**чет эллик номинал сақловчи** — қимматли қоғозларга доир ҳуқуқларни ҳисобга олишнинг ва (ёки) қимматли қоғозлар ҳисоб-китобларининг халқаро марказлашган тизими бўлган ёхуд чет эл биржаларидаги ёки бошқа тартибга солинадиган бозорлардаги савдолар натижаларига кўра қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширувчи марказий депозитарий бўлган, қимматли қоғозлар эгасининг ёки у вакил қилган шахсининг топшириғига кўра, қимматли қоғозларнинг эгаси бўлмаган ҳолда, қимматли қоғозларни ҳисобга олишни ва уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни амалга оширадиган чет эл ташкилоти»;

йигирма учинчи — қирқ саккизинчи хатбошилари тегишинча **йигирма тўртинчи — қирқ тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги 6¹-модда билан тўлдирилсин:

«**6¹-модда. Биржа облигацияларининг эмиссияси, жойлаштирилиши ва муомаласи**

Биржа облигацияларининг эмиссияси давлат рўйхатидан ўтказилмасдан ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда фонд биржаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тўлаш муддати бир йилдан кўп бўлмаган биржа облигацияларини жойлаштириш ва уларнинг муомаласи фонд биржаларида амалга оширилади.

Биржа облигацияларини жойлаштириш фақат биржа облигацияларининг чиқарилишини рўйхатга олган фонд биржаси орқали амалга оширилади»;

3) 12-модда биринчи қисмининг учинчи хатбоҳиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уларнинг чиқарилишини тўхтатиб туришга олиб келган қоидабузарликлар эмитент томонидан бартараф этилмаган, шунингдек мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозларнинг 60 фоиздан кам қисми чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда хусусий жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб топилади»;

4) 24-модда иккинчи қисмининг:

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

5) 25-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Инвестиция маслаҳатчиси, агар у эмитентларга қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш тизимига тааллуқли ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва уларни топшириш хизматларини (трансфер-агент хизматларини) кўрсатаётган бўлса, инвестиция воситачиси профессионал фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас»;

6) 28-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи, қимматли қоғозлар бозори ва унинг иштирокчилари ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда прогноз қилиш масалаларига доир маслаҳат хизматлари, трансфер-агент хизматларини кўрсатувчи, шунингдек қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи юридик шахс инвестиция маслаҳатчисидир»;

7) 36-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш қимматли қоғозлар эгаларининг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида, инвестиция воситачисида ва (ёки) чет эллик номинал сақловчида очиладиган депо ҳисобварақларида амалга оширилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Инвестиция воситачиси ва чет эллик номинал сақловчи ўз миқдорларининг ҳисобварақларида уларнинг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидаги ҳисобварақларида жамлаб ҳисобга олиб бориладиган ҳужжатсиз қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобини юритади»;

8) 39-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инвестиция воситачилари ва чет эллик номинал сақловчиларнинг депо ҳисобварақларини юритиш»;

9) 40-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси:

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида муомалада бўлган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун чет эллик номинал сақловчига ҳисобварақлар очишга;

эмитент билан тузиладиган шартномага кўра даромадларни (дивидендларни) ва қимматли қоғозларнинг қийматларини тўлаш учун мўлжалланган пул маблағларини олишга, шунингдек тегишли тўловларни амалга оширишга;

қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини юритишга доир вазифаларни бажаришда инвестиция воситачиларидан ва чет эллик номинал сақловчилардан мазкур реестрларни шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни олишга ҳақли»;

10) **42-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хужжатли қимматли қоғозларнинг бут сақланиши уларнинг эгалари томонидан, улар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига топширилган тақдирда эса, мазкур депозитарий томонидан қимматли қоғозларни сақлаш жойларида депозитар операциялар стандартларига мувофиқ таъминланади.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ва инвестиция воситачиларининг ҳисобга олиш регистрларидаги қимматли қоғозлар ҳамда электрон ёзувларнинг бут сақланиши, шу жумладан техник тизимда носозликлар ва қутилмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда уларни тезкор қайта тиклаш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан биргаликда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланадиган тартибда таъминланади».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида**»ги ЎРҚ–276-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 476-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2021 йил 4-сонга илова) **11-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

номи «ички ишлар органлари» деган сўзлардан кейин «**ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси**» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни), ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматни ўтаётганда вафот этган ёки тинчлик даврида майиб бўлиш (яраланиш, шикастланиш, контузия бўлиш), касалланиш натижасида вафот этган ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий йиғинларга чақирилган фуқароларни, ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларини, шунингдек хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етганлигига, соғлиғининг ҳолатига кўра ёхуд ташкилий-штат тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматдан бўшатиш вафот этган фуқароларни дафн этиш вафот этган шахс ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни), ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматни ўтаган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан, ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур шахсларнинг дафн этилишини ташкил этиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

иккинчи қисми «ички ишлар органлари» деган сўзлардан кейин «ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова) **70-моддаси биринчи қисми 8-бандининг тўққизинчи хатбошиси** «ички ишлар органларида» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **371-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ички ишлар органларининг» деган сўзлар «ички ишлар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **380-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Бу имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)», «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар

мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли органлари ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралар томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

3) **421-модда биринчи қисмининг 3-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг отоналари ҳамда бева хотинлари (бева эрлари).

Ушбу имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)», «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штамп қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади.

Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, солиқ имтиёзи уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли органлари ва ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқа идоралар томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади.

Тегишинча собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) солиқ имтиёзи фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади».

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 2-моддаси, 4-моддасининг 3-банди, 6, 7 ва 9-моддалари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 4-моддасининг 4-банди 2022 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 октябрь,
ЎРҚ-726-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

641 Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини табиий ва суюлтирилган газ билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини табиий ҳамда суюлтирилган газ билан барқарор таъминлаш ҳамда ушбу ресурслар нархи кескин ўсишининг олдини олиш, шунингдек, соҳанинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш мақсадида:

1. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган табиий газни реализация қилишда акциз солиғининг ноль фоизлик ставкаси белгилансин.

2. Белгилансинки:

2022 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газга акциз солиғи солинмайди;

тадбиркорлик субъектларига табиий ва суюлтирилган газни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача муддатга фоизлар ҳисобланмаган ва унинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда, кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилади.

3. Қуйидагилар:

табиий газни, шунингдек, аҳолига суюлтирилган газни реализация қилиш тартибга солинадиган тарифлар (нархлар) бўйича амалга оширилиши;

табиий газни, шунингдек, аҳолига суюлтирилган газни унинг сотиб олиш нархидан (таннархидан) паст нархда реализация қилишда, солиқлар қонунчилиқ ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан белгиланган нархдан келиб чиқиб ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар мазкур қарордан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири А.С. Султанов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар

* Ушбу қарор «Қонунчилиқ маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 октябрда эълон қилинган.

фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 октябрь,
ПҚ-5267-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

642 Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Тадбиркорлик субъектларини узоқ муддатли кредит маблағлари билан таъминлаш, уларнинг валюта хатарларини камайтириш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг валюта хатарларини камайтириш учун 1 миллион АҚШ долларигача миқдорда хорижий валютада ажратилган кредитлар миллий валютага ўтказиб берилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, тижорат банкларидан хорижий валютада олинган кредитлар миллий валютага ўтказилганда амалдаги компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг эквиваленти 1 миллион АҚШ долларидан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган кредитларнинг асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган қисми бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан компенсация тақдим этилади.

Бунда, Жамғармага мазкур кредитлар бўйича амалдаги компенсациялар

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 октябрда эълон қилинган.

миқдорларини қайта ҳисоб-китоб қилиб, уларнинг умумий миқдорини му-таносиб равишда ўзгартиришга рухсат этилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси номидан чет эл валютасида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (кейинги ўринларда — ХМИ ва ХХМТ) маблағлари ҳисобидан жалб қилинган кредитлар (қарзлар) лойиҳада иштирок этувчи молия ташкилотларига 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ёки улар жалб қилинган муддатга қайта кредитланади.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳам-корлик ва ривожланиш агентлиги ХМИ ва ХХМТлар иштирокида қайта кредитланадиган лойиҳалар бўйича масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда лойиҳалар доирасида молиялаштирилган сублойиҳалар тўғри-сида, шунингдек, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши ус-тидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ахборот-ни ўз расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб борсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 февралдаги 77-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузурида-ги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғри-сидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳуж-жатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шах-сий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Хол-хўжаев, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбо-сарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.Ў. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 октябрь,
ПҚ-5268-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги
ПҚ-5268-сон қарорига
ИЛОВА

**Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги
Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат
жамғармаси тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш**

Илованинг (Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кўрсатиладиган молиявий ёрдам шакллари) 3-банди «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) хорижий валютада — иссиқхоналар қуриш, интенсив боғлар яратиш, совутгичлар қуриш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳалари учун 2017 йил 5 сентябргача халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган валюта кредитлари бўйича — белгиланган фоизли ставканинг 50 фоизи миқдорида. Бунда, компенсация:

тадбиркорлик субъектининг кредит ёки бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлишидан ва кредит суммасидан қатъи назар, тақдим қилинади;

муддати ўтган қарздорлик юзага келганлиги сабабли компенсация тўловлари тўхтатилган давр учун ҳам тўлаб берилади. Бунда, компенсация Жамғарма томонидан тадбиркорлик субъекти фоиз харажатлари бўйича қарздорлигини сўндиришига мос равишда тўлаб борилади;

кредит шартномалари муддатлари узайтирилганда, кредит муддатига мос равишда тўлаб борилади;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**643 Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан, жумладан мевали ва ёнғоқ мевали, сабзаёт, полиз, дон-дук-какли экинлардан юқори ҳосил олиш, уларнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши курашиш, илғор, интенсив агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш учун замонавий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали негизида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Институтнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб ҳудудларни ихтисослаштириш, экспортбop ва даромадбop қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни ҳамда рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;

ўқув машғулотлари, малакавий амалиётларни ўташда талабаларни инновацион ва янгича фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда уларнинг мустақил изланишини таъминловчи механизмларни кенг жорий этиш;

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан мевали ва ёнғоқ мевали, сабзаёт, полиз, дон-дук-какли, субтропик ва тропик экинларни парваришлашнинг био-, нано- ва ресурстежамкор ҳамда интенсив технологияларини ишлаб чиқиш;

Институт ер майдонларида ички ва ташқи бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, шўр ва қурғoқ-чиликка, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли, маҳсулот сифати юқори бўлган нав ва дурагайлари селекцияси ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш;

илмий ходимларнинг илғор инновацион технологияларни яратиш бўйича ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг новаторлик ғояларини ишлаб чиқаришга жорий этишга кўмаклашиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 октябрда эълон қилинган.

кластерлар, кооперациялар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун кўргазмали дала майдонларини ташкил этиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва магистрларнинг малакасини ошириш.

2. Белгилансинки, Институтда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

бакалаврият таълим йўналишларида таълимнинг кредит-модуль тизими босқичма-босқич жорий этилади. Бунда, талабалар учун ҳафтанинг шанба куни мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурлари хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқланади.

Институтнинг фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

2022 йил якунига қадар Институтда Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан талабалар, магистрлар ва илмий изланувчилар ҳамда ёш профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишланмалари асосида лойиҳаларнинг стартапларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланувчи IT-инкубатор илмий инновацион марказини ташкил этсин;

Институтга тегишли ер майдонларида халқаро грант маблағлари ҳисобидан анор, хурмо, лимон, қора олхўри, узум ва бошқа мева-сабзавотларнинг юқори ҳосилли, йилига 2-3 маротаба ҳосил олишга имкон берадиган навларини яратиш бўйича кўргазмали дала майдонларини барпо этсин;

анор, хурмо, лимон, қора олхўри ва узум етиштиришнинг янги самардор агротехнологияларини яратиш бўйича бажариладиган йиллик мақсадли илмий лойиҳаларни шакллантириб, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим қилсин. Бунда, Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли илмий-техник кенгашларнинг асослантирилган хулосалари асосида белгиланган тартибда грант маблағларини ажратиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда келгуси йиллар учун мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида Институт ҳудудида бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини олий таълим соҳасига ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклифлар киритсин.

4. Қўйидагилар:

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тидаги бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларига бириктирилаётган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига амалиёт ўташ учун бириктирилаётган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Институт Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтга қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ресурс тежовчи технологиялар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда талабларидан келиб чиқиб қайта ишлаб чиқсин ҳамда ўқув жараёнига жорий этсин;

худуднинг кадрларга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиб, Институтда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кечки (сменали) таълимни ташкил этиш, 2022 йилдан бошлаб илмий салоҳиятни ошириш учун олий таълимдан кейинги таълим (докторантура)га қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича қабулни ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилаб қўйилсинки, Институтни бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан:

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Институтнинг «Анорчилик» йўналишидаги профессор-ўқитувчиларини ва таҳсил олаётган ёш олимларини анор етиштириш тажрибасини ўрганиш учун илғор хорижий давлатларга малака ошириш курсларига ва стажировкаларга юборилишини;

хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режаларини хорижий экспертлар иштирокида белгиланган тартибда ишлаб чиқишлишини;

Институтнинг профессор-ўқитувчиларини, илмий ва техник-муҳандис ходимларини ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда ва йирик ишлаб чиқариш ташкилотларида стажировка ўташи бўйича дастурлар ишлаб чиқишлишини ва унинг амалга оширилишини;

икки ой муддатда Институтнинг тузилмаси ва устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Институтга танлов асосида, шу жумладан республика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалий тажрибага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилишини;

Институтнинг ахборот-ресурс маркази маҳаллий ҳамда хорижий ўқув ва бадиий адабиётлар билан тўлдирилишини таъминласин.

10. Республика олий таълим тизимидаги мавқеи, илмий салоҳияти, узок йиллар давомида шаклланган анъаналарини инobatга олган ҳолда Тошкент давлат аграр университети зиммасига қўйидаги йўналишларда Институтга қўмак бериб бориш юклатилсин:

салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда таълим ва илмий фаолиятни ташкил этиш, таълим, тарбия, илмий ва ўқув жараёнларини самарали бошқариш;

таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий материаллар ва ахборот ресурслари билан таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва иқтидорли ёшлар селекциясини амалга ошириш, илмий-тадқиқот ишлари учун қўшимча шaroитлар яратиш ва «устоз-шогирд» тизими асосида илмий мактабларни ривожлантириш.

11. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

Институтга хориждан ва республиканинг бошқа ҳудудларидан ишга таклиф этилган мутахассисларни турар жой билан таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида қурилаётган арзон уй-жойлардан имтиёзли шартлар асосида эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда хонадонлар ажратилишини; Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил якунига қадар талабалар контингенти ошиб боришини ҳисобга олиб, 2022/2023 ўқув йилидан Институтга яқин бўлган ҳудуддан қўшимча бино ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилишини таъминласин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг:

Институтга Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини, Лимонзор қишлоғи ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш, унинг ўқув ва лаборатория жиҳозлари, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникалари, компьютер техникалари, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулкни топшириш;

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча талабаларини Институтнинг мос таълим йўналишлари ва мутахассисликларига ўтказиш ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Институт дипломини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги «Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 479-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 октябрь,
ПҚ-5269-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**644 Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасида туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида халқаро стандартларга мос узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнини йўлга қўйиш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Туризм ва спорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг:

а) «Ипак йўли» туризм халқаро университетини «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети этиб қайта номлаш;

б) «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университетини (кейинги ўринларда — Университет) Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм, маданий меросни бошқариш ва музейшунослик соҳаларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳамда ушбу соҳаларни илмий ва инновацион тадқиқ этиш бўйича илмий муассасага айлантириш;

в) қуйидагиларни:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Шаҳрисабз, Марғилон ва Хива туризм ва сервис коллежлари негизда олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган Шаҳрисабз, Марғилон ва Хива туризм ва маданий мерос техникумларини (кейинги ўринларда — Маданий мерос техникумлари) ташкил этиш;

Самарқанд туризм ва сервис техникумини Самарқанд туризм ва маданий мерос техникуми ҳамда Бухоро туризм техникумини Бухоро туризм ва маданий мерос техникуми деб қайта номлаш;

Туризмни ривожлантириш институти, Маданий мерос техникумлари, Андижон, Зомин ва Бўстонлиқ туризм ва сервис коллежлари ҳамда Тошкент туризм ва бизнес коллежини Туризм ва спорт вазирлиги тузилмасидан Университет тузилмасига ўтказиш;

г) Тошкент туризм ва сервис коллежи негизда Университетнинг Тошкент филиалини ташкил этиш;

д) Университетни Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Самарқанд археология институтининг илмий ва инновацион тадқиқотлар соҳасидаги ҳамда методик йўналишлардаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган этиб белгилаш;

* Ушбу қарор «Кунунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 октябрда эълон қилинган.

е) «Ипак йўли» давлатлари тарихи, санъати ва цивилизацияларини тадқиқ ва намойиш этиш учун Университет хузурида:

«Ипак йўли» халқаро тадқиқот институти;

«Ипак йўли» музейи;

«Ипак йўли» арт-резиденцияси;

«Ипак йўли» санъат галереяси;

Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

«Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университетининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

«Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

«Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети Васийлик кенгашининг таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Университетнинг Васийлик кенгашига:

Туризмни ривожлантириш институти, «Ипак йўли» халқаро тадқиқот институти, «Ипак йўли» музейи, «Ипак йўли» арт-резиденцияси, «Ипак йўли» санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказининг тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш;

Туризмни ривожлантириш институти, «Ипак йўли» халқаро тадқиқот институти, «Ипак йўли» музейи, «Ипак йўли» арт-резиденцияси, «Ипак йўли» санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларга уларнинг иш ҳажми ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошининг 200 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча ойлик устамалар белгилаш;

Университет бош менежери ва ректорининг вазифа ҳамда функцияларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилади;

б) ҳар йили Университетга Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар фуқароларига магистратурада давлат гранти асосида таълим олиш учун 85 та ўрин ажратилади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Университетнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва изланувчилари учун хизмат турар жойи сифатида 20 та уй-жой ажратиб берилишини таъминласин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда:

а) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

* 1 — 3-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Самарқанд ветеринария медицинаси институтига қарашли, Самарқанд шаҳри, Махмуд Қошғарий кўчаси, 85/а-уй манзилида жойлашган, ўқув жараёнида фойдаланилмаётган бинони «Ипак йўли» арт-резиденциясига;

Самарқанд вилояти ҳокимлигига қарашли, Самарқанд шаҳри, Нодира-бегим кўчаси, 4а-уй манзилида жойлашган ётоқхона биносини Самарқанд ветеринария медицинаси институтига;

б) Кинематография агентлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган собиқ кинотеатр биносини «Ипак йўли» санъат галереясига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул ўтказиб берилишини таъминласин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Кинематография агентлиги бир ой муддатда мазкур бандда келтирилган бино ва иншоотларни бепул ўтказиб бериш бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилишини таъминласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларидаги истиқболли мутахассислар, айниқса педагоглар, илмий кадрлар ва реставраторларни танлаш ва уларнинг таълим олишини ташкил этиш учун «Эл-юрт умиди» жамғармасининг 2022 — 2026 йилларда хориждаги нуфузли таълим муассасаларида туризм, маданий мерос ва музейшунослик йўналишларида докторантура (PhD) ва магистратурада ўқитиш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) жорий қилинади;

Дастур доирасида мутахассисларни хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида таълим олишга юбориш «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижда таълим олиш учун номзодларни танлаб олиш тартибига мувофиқ амалга оширилади;

Дастур доирасида 50 нафар иқтидорли мутахассислар, шу жумладан уларнинг 40 нафари магистратура босқичида ва 10 нафари докторантура (PhD) босқичида ўқитилади;

Дастур доирасида хорижий таълим ва илмий муассасаларда таҳсил олиб, магистратура ва докторантурани битириб қайтган мутахассисларга Туризм ва спорт вазирлигининг йўлланмаси асосида таълим муассасалари ҳамда маданий мерос ва музейшунослик соҳаларидаги ташкилотларда камида 5 йил давомида узлуксиз фаолият олиб бориш ёки хорижда таълим олиш харажатларини 12 ой давомида икки баравар миқдорда «Эл-юрт умиди» жамғармасига қайтариш мажбурияти юкланади.

6. Белгилансинки:

а) Маданий мерос техникумлари фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

б) Туризмни ривожлантириш институти фаолиятини молиялаштириш:

бинолар ва иншоотларни сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

давлат илмий дастурларини амалга ошириш учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил ишларини амалга оширишдан, шартнома асосида бажариладиган таълим ва бошқа хизматлардан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

в) «Ипак йўли» халқаро тадқиқот институти, «Ипак йўли» музейи, «Ипак йўли» арт-резиденцияси, «Ипак йўли» санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил ишларини амалга оширишдан, шартнома асосида бажариладиган хизматлардан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

г) Университетнинг Тошкент филиали фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Туризм ва спорт вазирлиги:

Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бирга-ликда уч ой муддатда Университет кутубхонаси, унинг ташкилий тузилмасига кирувчи техникумлар ва коллежлар ҳамда Туризмни ривожлантириш институтининг лабораториясини замонавий ускуналар ва бутловчи қисмлар билан жиҳозлаш бўйича таклиф ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан бирга-

ликда 2022 йил 1 мартга қадар Университет ҳузуридаги «Ипак йўли» халқаро тадқиқот институти, «Ипак йўли» музейи, «Ипак йўли» арт-резиденцияси, «Ипак йўли» санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2022 йил 1 майга қадар Тошкент туризм ва сервис коллежи негизида Университетнинг Тошкент филиалини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда Университетнинг Тошкент филиали ҳамда мазкур қарорга мувофиқ Самарқанд ветеринария медицинаси институтига берилаётган бино ва иншоотларнинг реконструкция қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги:

«Ипак йўли» халқаро тадқиқот институти, «Ипак йўли» музейи, «Ипак йўли» арт-резиденцияси, «Ипак йўли» санъат галереяси, Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази, Университетнинг Тошкент филиали ва ташкилий тузилмасига кирувчи техникумлар ва коллежлар ҳамда Туризмни ривожлантириш институтини сақлаш харажатлари учун 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида маблағ ажратилишини;

2022 йилдан 2026 йилга қадар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида «Эл-юрт умиди» жамғармасига Дастур доирасида нуфузли таълим ва илмий муассасаларда докторантура (PhD) ва магистратурада ўқитиш учун маблағ ажратилишини назарда тутсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги:

Университет профессор-ўқитувчилари, Туризмни ривожлантириш институти ходимларининг етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малакасини ошириш ва амалиётини ташкил этишда, шунингдек, илғор хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро алоқаларни ўрнатишда Туризм ва спорт вазирлигига амалий ёрдам кўрсатсин;

Туризм ва спорт вазирлигининг буюртманомасига кўра Университет, Маданий мерос техникумлари ва Туризмни ривожлантириш институтининг илмий ва ўқув жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассисларга, профессор-ўқитувчиларга ва илмий ходимларга кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Туризм ва спорт вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг тажрибасини ўрганиб, кадрлар буюртмачиси бўлган ташкилотларнинг таклифла-

рини инобатга олган ҳолда, туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳасидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар Маданий мерос техникумлари ҳамда туризм ва сервис коллежларига хорижий ҳамкор ташкилотларни жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар эълон қилиниши ва тематик кўрсатувлар ташкил этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазирининг ўринбосари А.Ў. Аккулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 октябрь,
ПҚ-5270-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 30 октябрдаги
ПҚ-5270-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги «Ипак йўли» туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3815-сон қарорида:

а) 3-бандда:

учинчи хатбошидаги «Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Туризм ва спорт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўзлари «Туризм ва спорт вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 4-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «туризм» сўзларидан кейин «ва маданий мерос» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 8-банднинг «г» кичик бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) 10, 17 ва 20-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги ҳамда 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Туризм ва спорт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 12-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) 15-банднинг учинчи хатбошисидаги «Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари «Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 19-банднинг учинчи хатбошисидаги «Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўзлари «Туризм ва спорт вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош

вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов зим-масига юклансин.»;

и) 1 ва 2-иловаларнинг номланишидаги «туризм» сўзларидан кейин «ва маданий мерос» сўзлари билан тўлдирилсин;

к) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4755-сон қарори 1-бандининг «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

645 Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, тураржойлар билан таъминлаш, уларни оилавий болалар уйларига жойлаштириш, ҳаётга тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ҳамда ҳисобини юритиш тартиби;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун уй-жойлар ажратиш ва харид қилиш тартиби.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

а) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга муҳтожлиги «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқланади;

б) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олиш «Васийлик ва ҳомийлик» электрон платформаси орқали онлайн муурожаатга асосан амалга оширилади.

3. Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 сентябрга қадар Давлат бюджет параметрларида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш мақсадида, Молия вазирлигига кейинги йил учун уй-жойга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни киритиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

республика иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжига мувофиқ «Ижтимоий иш» бакалавриат таълим йўналиши бўйича «Васийлик» ва «Ҳомийлик» соҳаси бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 октябрда эълон қилинган.

«Амалий психология», «Ёшлар психологияси», «Ижтимоий психология» мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига қабул қилиш параметрларини ошириш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 9 августдаги ПФ–6275-сон Фармони билан ташкил этилган Болалар масалалари бўйича миллий комиссияга:

а) қуйидагиларни тасдиқлаш учун киритсин:

оилавий болалар уйлари ташкил этиш тартиби ва шартлари;

болаларни оилавий болалар уйига тарбиялаш учун бериш тартиби;

тарбияловчи ота-оналарнинг психологик тайёргарлиги талаблари, тарбияланувчи болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

оилавий болалар уйларида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби;

оилавий болалар уйида тарбияланаётган болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари вазифалари;

оила тарбиясига берилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича мониторинг тартиби.

б) халқаро ёки хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда қуйидагилар бўйича таклиф киритсин:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича илғор халқаро тажрибалар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари ходимларини тизимли равишда малакасини ошириш, қайта тайёрлаш;

болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мониторинг-назорат тизимини яратиш;

Миллий комиссия ҳузурида тематик ишчи гуруҳларни ташкил этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари билан биргаликда:

а) маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни биринчи навбатда яқин қариндошлари тарбиясига беришга, уларга муносиб оила топиш бўйича масъулиятини

ошириш, оилавий болалар уйига тақсимланган болалар ҳолидан доимий равишда хабар олиш;

ташкил этилган оилавий болалар уйларининг ижтимоий аҳволи, болаларнинг оилага мослашуви ва улардаги бошқа жамоавий муносабатларнинг шаклланишида маҳалла фуқаролар йиғини раислари доимий равишда ижтимоий мослашув мониторингини юритиш тизимини йўлга қўйсин.

б) ижтимоий етимликнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир оиладаги моддий-маънавий муҳитни доимий ўрганиб бориш, мухтожларга кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари ўз фаолияти юзасидан ҳар чоракда тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига ахборот тақдим этиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 октябрь,
656-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 25 октябрдаги 656-сон қарорига
1-ИЛОВА

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

етим бола — отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига асосан вафот этган деб эълон қилинган бола;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола — ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, етим бола бундан мустасно;

уй-жойга муҳтож етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола — ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва меросхўр ва мол-мулкка эгалик қилишнинг бошқа шакллари билан номида уй-жой бўлмаган Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ва оилавий болалар уйлари, шунингдек «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг болалар маҳаллаларида (кейинги ўринларда — ўқув-тарбия муассасалари) тарбияланган, шунингдек, фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган 18 ёшга тўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган шахслар;

меросхўр ва мол-мулкка эгалик қилишнинг бошқа шакллари билан (бириктирилган) номида реконструкция қилишга муҳтож уй-жой ёки уй-жой қурилиши учун ер майдони бўлган 18 ёшга тўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган шахслар;

уй-жойга ордер — уй-жойга муҳтож етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан бериладиган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи асосида уй-жойга кўчиб кириш учун асос ҳисобланадиган белгиланган намунадаги расмий ҳужжат;

«онлайн-навбат» ахборот тизими — Халқ таълими вазирлиги томонидан яратилган ахборот тизимига киритилган уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотлар базаси;

уй-жой — етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар яшаши учун барча зарур шароитларга эга бўлган (таъмирланган ва жиҳозланган (ошхона анжомлари, газ плита, каравот, телевизор, музлатгич, стол-стул)), фойдаланишга тайёр бўлган уй-жой.

3. Уй-жойга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар (кейинги ўринларда матнда — етим болалар ва ота-

она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар) ушбу Низомда назарда тутилган тартибда уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқига эгадир.

4. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан кўчмас мулкнинг бирламчи бозоридаги шаҳар ва туманларда қурилган кўп квартирали уйлар, тегишли туман (шаҳар)да кўчмас мулк бирламчи бозорида кўп квартирали уйлар мавжуд бўлмаганда, ҳудудий «Халқпарвар» комиссиялари ҳулосасига асосан квартиралар кўчмас мулкнинг иккиламчи бозоридан тегишли мезонларга мувофиқ ҳолда харид қилинган уйлар ҳисобидан ажратилади.

5. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жойлар билан таъминлаш ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Мазкур Низомга асосан ҳар бир етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага уй-жой олиш ҳуқуқи бир марта берилади.

2-боб. Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш

7. Етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш жараёнларида уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти (кейинги ўринларда — котибият) масъул орган ҳисобланади.

8. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўқув-тарбия муассасаларига юборишда ҳамда фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) беришда туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан унинг яшаш жойи бўйича уй-жойини болада сақлаб туриш кафолати белгиланади.

9. Бириктирилган уй-жойга эга бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўқув-тарбия муассасаларида, фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оилаларда бўлган тўлиқ даврда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизматни ўташ даврида ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида бўлган даврида уй-жойга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

10. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўқув-тарбия муассасаларига юборишда ҳамда фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) беришда ота-оналар ёки бошқа шахслар томонидан сотиб юборилиши ёки бошқача тарзда бегоналаштирилиши натижасида болалар мавжуд уй-жойдан маҳрум бўлган ҳолат аниқланган тақдирда котибият ёки боланинг қонуний вакиллари битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун судга даъво аризаси билан мурожаат қилишлари шарт.

Бунда туман (шаҳар) ҳокимининг қарорида етим болалар ва ота-она

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳисобида уй-жойнинг сақлаб турилиши уни ҳақиқатда қайтариб олиш бўйича суднинг тегишли қарори ижро этилгандан сўнг расмийлаштирилиши кўрсатилади.

11. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар уй-жойга муҳтож етим болалар рўйхатида турганида ёки бириктирилган уй-жойга эга бўлганида, етим боланинг ёши 23 ёшдан катта бўлмаган даврда, таълим муассасаларида, ижтимоий уйларида, фарзандликка олган оилаларда, васий (ҳомий) қарамоғида бўлган тўлиқ даврда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизматни ўташ даврида ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида бўлган даврда мерос бўйича ҳамда давлат томонидан бериладиган уй-жой олишга ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

12. Қўйидаги ҳолатлардан бирида, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг улар ўз ҳисобида сақлаб турилган мерос ҳуқуқидаги уй-жойга қайтиб бориши мумкин эмас деб ҳисобланади:

а) мерос ҳуқуқидаги уй-жойда қўйидаги шахслар яшаётган тақдирда:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар, жумладан, вояга етмаган болаларнинг номусига тажовуз қилиш ёки бошқа оғир жиноий хатти-ҳаракатлари учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар;

фарзандлик, васийлик (ҳомийлик, патронат) мажбуриятларини бажаришдан озод этилган ёхуд четлаштирилган шахслар;

қўйидаги касалликларга чалинган шахслар:

I, II, V гуруҳ диспансер ҳисобидаги барча жойлашинув шаклидаги сил касалликлари (фаол ва сурункали);

барча жойлашинувли ёмон сифатли онкологик касалликлар;

наркологик касалликлар (алкоголизм, наркомания, токсикомания);

ақли заифликнинг барча турлари;

таносил касалликларининг маиший йўл билан юқувчи турлари (захм, сўзак);

б) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ҳисобида сақлаб турилган уй-жойдан у ўқув-тарбия муассасасида, фарзандлик, васийлик (ҳомийлик, патронат) қарамоғида бўлган даврда сотиш ва бошқача тарзда бегоналаштириш натижасида маҳрум бўлганлиги, агар уй-жойни ҳақиқатда қайтариб олиш бўйича суднинг ижро этилган қарори бўлмаса;

в) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг мустақил ҳаётга киришида уларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда.

13. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўқув-тарбия муассасасини, фарзандлик, васийлик (ҳомийлик, патронат) қарамоғида бўлишининг тугашидан бир йил олдин ёки шу муддатда уларнинг қонуний вакили мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ҳолатларнинг бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлган тақдирда, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола ёки унинг қонуний вакили яшаш жойи котибият билан биргаликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум

бўлган болани ўз ҳисобида сақлаб турилган уй-жойга қайтиб боришининг имкони йўқ деб топиш ҳамда уни «онлайн-навбат» ахборот тизимига киритиш масаласини кўриб чиқиш учун Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилади.

14. Халқ таълими вазирлиги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг котибиятнинг яшаш жойи бўйича ўз ҳисобида сақлаб турилган уй-жойга қайтиб боришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги тақдимномани бир ой давомида кўриб чиқади ва асослантирилган хулоса қабул қилади.

15. Халқ таълими вазирлиги томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болада, илгари унга банд қилинган уй-жойга қайтиб боришига имкон бермайдиган ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолатлар мавжудлиги тўғрисида ижобий хулосаси мавжуд бўлганда (етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани ўқув-тарбия муассасасида, фарзандлик, васийлик (ҳомийлик, патронат) қарамоғида бўлишнинг тугашига қадар) уни «онлайн-навбат» ахборот тизимига киритилади.

16. «Онлайн-навбат» ахборот тизимига ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўқув-тарбия муассасаси томонидан, фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари томонидан киритиб борилади.

17. Ўқув-тарбия муассасалари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари «онлайн-навбат» ахборот тизимига киритилган уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги барча тегишли маълумотлар базасини шакллантиради, сақлайди, маълумотларни доимий янгилаб боради.

Ўқув-тарбия муассасалари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари зарур ҳолларда уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тегишли маълумотларни уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва уларнинг қонуний вакилларида сўраб олади.

18. Ўқув-тарбия муассасалари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни улар ўқув-тарбия муассасасида, фарзандлик, васийлик (ҳомийлик, патронат) қарамоғида бўлиш муддати тугашидан бир йил аввал уй-жойга муҳтожлар сифатида «онлайн-навбат» ахборот тизимига киритади.

Уй-жойга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муддатидан аввал ҳам «онлайн-навбат» ахборот тизимига киритилиши мумкин.

Муддатида «онлайн-навбат» ахборот тизимига киритилмай қолиб кетган, уй-жойга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар «онлайн-навбат» ахборот тизимига Халқ таълими вазирлигининг хулосасига асосан киритилади.

3-боб. Уй-жойга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳисобини юритиш

19. Уй-жойга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар «онлайн-навбат» ахборот тизимидан котибиятлар томонидан уй-жой билан таъминланганлигини тасдиқловчи тегишли маълумотлар (хужжатлар) «онлайн-навбат» ахборот тизимида бириктирилгандан сўнг чиқарилади.

20. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола қуйидаги ҳолатларда «онлайн-навбат» ахборот тизимидан чиқарилади:

мазкур Низомга мувофиқ уй-жой берилганда;

хужжатларда ҳисобга қўйишга асос бўлган маълумотларнинг ҳақиқатга мос келмаслиги аниқланганда.

21. Котибият томонидан етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола 3 кун муддат ичида «онлайн-навбат» ахборот тизимидан чиқарилганлиги тўғрисида хабардор этилади.

22. Етим бола ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола уни «онлайн-навбат» ахборот тизимидан чиқарилишидан норози бўлган тақдирда бўйсунув тартибида юқори турувчи органига ёки бевосита судга шикоят қилиши мумкин.

23. Уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатининг «онлайн-навбат» ахборот тизимида киритилиши ва доимий янгиланиши Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

4-боб. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун уй-жойлар ажратиш

24. Ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолда оиланинг иккинчи аъзоси ҳам уй-жой билан таъминланган деб ҳисобланади ва тенг мулккий ҳуқуққа эга бўлади.

Ногиронлиги бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар квартиралар кўп қаватли уйларнинг учинчи қаватигача ажратилади.

25. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойлар мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи асосида, бироқ улар 30 ёшга тўлгунга қадар уй-жойни сотиш, ҳадя қилиш ёки гаровга қўйиш ёхуд ижарага бериш ҳамда уй-жойда ўзи ва оила аъзолари (эри ёки хотини, фарзандлари)

дан ташқари бошқа фуқароларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ҳуқуқисиз ажратилади.

Бунда, етим бола ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган боланинг асослангилган муружаати асосида маҳаллий ҳокимликлар томонидан уй-жойнинг умумий майдонини кенгайтириш ва мазкур бандда назарда тутилган талабларни сақлаб қолиш шарти билан сотишга рухсат берилади.

26. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш жараёнида қуйидагилар тақиқланади:

битта кўп квартирали уй-жойнинг ҳар бир кириш йўлагигаги квартираларда бир нафардан ортиқ етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш;

икки ва ундан ортиқ етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун кўп квартирали уй-жойдан битта квартира ажратиш (улар ўртасида никоҳ тузилган ҳоллар мустасно);

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун алоҳида кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва бу ерда уларнинг барчасини жойлаштириш;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун ётоқхоналардан уй-жойлар ажратиш (харид қилиш).

27. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга уй-жойлар туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ажратилади ҳамда ушбу уй-жойлар яшаш учун барча зарур шароитларга эга бўлган (таъмирланган ва жиҳозланган) ҳолда топширилади.

28. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни уй-жойлар билан таъминлашни ташкил этиш, уй-жойларнинг адолатли тақсимланиши ва ўз вақтида ажратилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти томонидан амалга оширилади.

29. Халқ таълими вазирлиги томонидан етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг уй-жой билан таъминланиши ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳар ойда янгиланади ҳамда расмий веб-сайтда жойлаштириб борилади.

5-боб. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун ажратиладиган уй-жойларни харид қилиш

30. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой харид қилиш ва қуриш (реконструкция қилиш) учун талаб этиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилади.

31. Давлат бюджети параметрларида Молия вазирлиги учун ажратилган маблағлар таркибида алоҳида сатрда маблағлар режалаштирилиб, кейинчалик ҳақиқий талабдан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига қайта тақсимлаш орқали йўналтирилади.

32. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан ажратилган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўзларига тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига ўтказиб берилади.

33. Ушбу маблағлар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан, белгиланган тартибда, олди-сотди шартномасига асосан уй-жойни балансда сақловчининг ҳисоб рақамига ёки уй-жой эгасининг банк омонат ҳисоб рақамига ҳамда қурилиш пудрат ташкилоти ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ўтказиб берилади.

Бунда, таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

6-боб. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой бериш

34. Уй-жой бериш тўғрисидаги қарор асосида туман (шаҳар) ҳокимлиги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ушбу Низомга 2-иловада* белгиланган намунадаги ордер беради, ордер берилган уй-жойга кўчиб кириш учун асос ҳисобланади.

Ордерлар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга «онлайн-навбат» ахборот тизимига кўра қатъий кетма-кетлик асосида берилади.

35. Ордерда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг исми-шарифи ва отасининг исми, оилавий аҳволи, ёши, туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ажратилган уй-жойнинг майдони ва тўлиқ манзили кўрсатилади.

36. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мерос ва бошқача тарзда бириктирилган мол-мулкни қуриш (реконструкция қилиш) орқали уй-жой ажратилиши тўғрисидаги ордер берилган тақдирда, ордер расмийлаштирилган вақтдан бошлаб олти ой ичида қуриб битказилади, мазкур Низомнинг 2-бандига асосан жиҳозланади ва белгиланган тартибда топширилади.

37. Қуриш ёки реконструкция қилиш орқали уй-жой берилишида мазкур Низомнинг 2-бандига асосан умумий майдони 30 — 50 квадрат метр оралиғида бўлган уй-жой қуриб ёки реконструкция қилиб берилади.

Бунда, қурилиш ёки реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш харажатлари тегишли ҳудуддаги бир хонали уйнинг ва жиҳозларнинг ўртача нархидан кўп бўлиши мумкин эмас.

38. Ордер берилган кундан 10 кундан кечикмай етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага, ўрнатилган тартибда, ордерда кўрсатилган уй-жой нотариал расмийлаштириб берилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

39. Ордер асосида олинган уй-жойлар етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола номига расмийлаштирилади, расмийлаштирилган санадан бошлаб ўн йил муддатга уй-жойни сотишга, алмаштиришга ёки бошқача турдаги бегоналаштиришга йўл қўйилмайди.

Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола руҳий касалликлар бўйича ёки наркология бўйича диспансер ҳисобида турган тақдирда уй-жойни сотиш, алмаштириш ёки бошқача турдаги бегоналаштириш қўшимча икки йил муддатга узайтирилади.

40. Уй-жойга муҳтож сифатида рўйхатга туриш ва уй-жой билан таъминланиш даври оралиғида икки етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола ўртасида ўзаро никоҳ шартномаси тузилган тақдирда, комиссиянинг мурожаатига кўра, истисно тариқасида, уларнинг бирига мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган талаблар асосида умумий майдони 50 квадрат метргача уй-жой ажратилади.

Бунда, оиланинг иккинчи аъзоси ҳам уй-жой билан таъминланган деб ҳисобланади ва тенг мулкӣ ҳуқуққа эга бўлади.

41. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга тақдим қилиш мақсадида уй-жой сотиб олишда бир кўп қаватли уй-жойдан кўпи билан иккита квартира сотиб олиниши инobatга олинади.

42. Етим бола ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола у ўқув-тарбия муассасасида, фарзандлик, васийлик (хомийлик, патронат) қарамогида бўлиши тугаётган йилнинг охириги чорагига қадар бўлган муддатда уй-жойлар билан таъминланадилар.

43. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола учун сотиб олинган ва жиҳозланган уй-жой фақат шахсий фойдаланишда бўлиши лозим. Уйдан бошқа шахслар фойдаланиши, уйни ижарага берилиши, ҳар қандай кўринишдаги бегоналаштирилиши ўрнатилган тартибда тақиқланади.

44. Уй-жойни қабул қилиб олувчи етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган бола мавжуд ижтимоӣ муҳитга мослашиши, уй-жойдан белгиланган санитар ва техник талаблар асосида фойдаланиши, ундан ноқонунӣ мақсадларда фойдаланмаслиги, коммунал тўловларини вақтида тўлаб бориши, жамиятда ўз ўрнини топиш ва барқарор шахсий даромад манбаига эга бўлиш ва жамиятнинг бошқа ижтимоӣ нормаларига риоя қилиши талаб этилади.

45. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган боланинг янги жойдаги ижтимоӣ мослашуви уларга уй-жой берилган йилдан бошлаб дастлабки уч йил давомида туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари томонидан бир йилда камида икки мартда етим бола хонадонига ташриф буюриш орқали ўрганиб борилади.

46. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган боланинг ажратилган уй-жойда яшаши, ижтимоӣ ҳаётга мослашишида қийинчиликлар аниқланган тақдирда, унга котибият ва тегишли маҳалла органи фаоллари билан биргаликда ижтимоӣ-психологик ёрдам кўрсатилади.

47. Туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобга қўйилган ҳамда уй-жой билан таъминланган етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги йиллик ҳисоботлар туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январигача, ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январигача тақдим этилиши лозим.

7-боб. Яқуний қоидалар

48. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар коллеж, академик лицей, техникум ва олий таълим муассасаларида ўқиётган даврида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган уй-жойларда коммунал хизматларнинг меъёрий кўрсаткичлари бўйича фойдаланилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг эллик фоизи тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан компенсация қилинади.

Бунда, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ажратилган уй-жойларда фойдаланиладиган коммунал хизматларнинг меъёрий кўрсаткичлари тегишли туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

49. Берилган ордерлар, белгиланган талаблар асосида уй-жой билан таъминлангунга қадар ҳуқуқий кучга эга бўлади.

50. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ўз муддатларида мазкур Низом талабларига мувофиқ уй-жой билан таъминлашга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари масъул ҳисобланишади.

51. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар етим болаларга ўз вақтида уй-жой ажратилиши таъминланмаган ёки кечиктириш ҳолатлари кузатилган тақдирда туман (шаҳар) ҳокимлигига туман (шаҳар) прокуратураси томонидан қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилади.

52. Етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар учун уй-жойлар бериш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

53. Мазкур Низомда белгиланган чора-тадбирлар ва муддатларни ўз вақтида ва сифатли ижро қилинишида сусткашлик ва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 25 октябрдаги 656-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорининг 2-иловасидаги «Лавозимлар номи» устунининг 2.3-позицияси «директорининг» сўзларидан кейин «биринчи ўринбосари ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 158-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низом қўйидаги мазмундаги 14¹-банд билан тўлдирилсин:

«14¹. Оилавий болалар уйларига тарбияга олинган (патронат) етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади.

Бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганади, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари қўллаш чораларини кўриб боради.»

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июндаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Болалар уйлари тўғрисидаги низом қўйидаги мазмундаги 26¹-банд билан тўлдирилсин:

«26¹. Болалар уйларига тарбияга олинган етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади.

Бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба тарбияланувчи болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганади, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари қўллаш чораларини кўриб боради.»

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Даврий босма нашрларнинг мажбурий нусхалари юбориладиган муассаса ва ташкилотларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 31 январдаги 21-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 6-сон, 66-модда) илова қўйидаги мазмундаги 26-позиция билан тўлдирилсин:

«

26.	Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси	ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар	Газета, журнал	1
-----	--	---	----------------	---

».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомнинг 39-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар давлат тасарруфидаги мактабларга навбатга қўйилмаган ҳолда жойлаштирилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10⁸-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10⁸. Олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан «Меҳрибонлик» уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб SOS — болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари битирувчилари, шунингдек, йигирма беш ёшгача бўлган васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар учун ҳам татбиқ қилинади.

Бунда, ушбу қўшимча квоталарнинг олий таълим муассасалари бўйича тақсимооти Халқ таълими вазирлиги ва Миллий гвардия томонидан белгиланади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 12-сон, 299-модда) билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари ҳамда зарур бўлган тақдирда уларга тегишли ахборот-таҳлилий материаллар электрон шаклда юбориладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг рўйхатида:

а) «6. Марказлар» бўлимининг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) «12. Бошқа ташкилотлар» бўлими қуйидаги мазмундаги 5-банд билан тўлдирилсин:

«5. Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 4-банди қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар давлат мактабгача таълим ташкилотларига навбатга қўйилмаган ҳолда, бевоҳита тегишли ташкилотга мурожаат этган ҳолда жойлаштирилади.».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«техникум, коллеж ёки олий таълим муассасасига ўқишга кирмаган ҳамда касб эгаллаш истагидаги етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларнинг Вазирлик тизимидаги «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари ва масканларида касб-хунарга

ўқитиш чораларини кўриш, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан шакллантирилган етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар рўйхати асосида уларнинг йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳар йили амалиёт ўташини ташкил этиш;

Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг бандлиги бўйича доимий мониторинг олиб бориш;»;

ўн бешинчи хатбоши ўн еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

6-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар давлат умумтаълим муассасаларига навбатга қўйилмаган ҳолда асосий квота доирасида жойлаштирилади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2020 й., 1-сон, 21-модда):

а) Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда (1-илова):

10-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда номли давлат стипендиялари соҳибларига талабалар учун белгиланадиган стипендиялар тайинланмайди»;

қуйидаги мазмундаги 10¹ ва 10²-бандлар билан тўлдирилсин:

«10¹. Давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонларида (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг 200 нафари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти грантига даъвогар бўлади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ ўтказилган танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган ушбу тоифадаги талабаларга иккинчи курснинг ўқув йили бошидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси тайинланади ва тўланади.

10². «Аъло» баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклида давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таълим олаётган талаба-қизлар учун олий таълим муассасаларининг Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган Қизлар учун махсус стипендия (кейинги ўринларда — Махсус стипендия) берилди.

Махсус стипендия ўқув семестри якуни натижаларига кўра барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат «аъло» баҳо бўлган ҳамда «Ижтимоий химоя ягона реестри» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ягона реестр» АТ) орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилган оиладан бўлган талаба-қизларга (кейинги ўринларда — талаба-қизлар) тайинланади ва тўланади.

Махсус стипендияни тўлаш тўғрисидаги қарор «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида олий таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланади ва олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) буйруғи асосида расмийлаштирилади.

Махсус стипендияни тўлаш тўғрисидаги қарор «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида олий таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланади ва олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) буйруғи асосида расмийлаштирилади.

Махсус стипендия талаба-қизларга олий таълим муассасаларида умумий шартларда бериладиган стипендия сақлаб қолинган ҳолда стипендиянинг базавий миқдорига қўшимча тарзда ойма-ой тўланади.

Махсус стипендияни тўлаш ўқув семестри натижаларига кўра барча фанлар бўйича унинг ўзлаштириш кўрсаткичи фақат «аъло» баҳо бўлгандагина давом этирилади.

Махсус стипендияни тўлаш қўйидаги ҳолларда келгуси ўқув семестридан бошлаб тўхтатилади:

талаба-қизларнинг ўқув семестри натижалари бўйича барча фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари «аъло» бўлмаганда;

кам таъминланган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома амал қилишининг (12 ойлик) муддати тугаганда»;

11-банддаги «Номли давлат стипендияларини» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда номли давлат стипендияларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади.»;

қўйидаги мазмундаги 19¹-банд билан тўлдирилсин:

«Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади.»;

қўйидаги мазмундаги 20²-банд билан тўлдирилсин:

«20². Олий таълим муассасаларидаги бакалавр ва магистратура босқи-

чида таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга, уларнинг таълим олиш тури (грант ёки тўлов-шартнома асосида) ва ўзлаштириш кўрсаткичидан қатъи назар, Жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий стипендиянинг 50 фоизи миқдориди ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўланади.»;

б) Олий таълим муассасалари талабалари учун стипендияларнинг белгиланган миқдорларида (2-илова):

4-позиция «базавий стипендия» сўзларидан кейин «ва Қизлар учун махсус стипендия» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи позиция билан тўлдирилсин:

«

7.	Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабалар учун стипендия	Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорда назарда тутилади.
----	---	--

».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисида низомнинг 12-банди «г» кичик банди қуйидаги мазмундаги еттинчи — тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчалари ва оилавий болалар уйлари, шунингдек «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг болалар маҳаллаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларнинг таълим-тарбияси, уларни балогатга, турмушга тайёрлаш;

ҳар йили камида икки маротаба ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб бориш;

ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларни «Меҳр дафтари»га киритиб, уларни қийнаётган масалаларни жойида ҳал қилишга ҳамда ўқув-тарбия муассасаларидан кейинги ҳаётида ўз ўрнини топишига ҳар томонлама қўмаклашиш.».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 517-сон қарори билан тасдиқланган Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 16-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларига иш ҳақи учун устама ҳақ ва қўшимча ҳақлар бир ойлик маошгача бўлган миқдорда табақалашган ҳолда, бошқа тоифадаги ходимларига эса — олий таълим муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг тавсиясига кўра олий таълим муас-

сасаси ректори (филиал директори) томонидан белгиланадиган миқдорларда тўланади.»;

б) қуйидаги мазмундаги 17²-банд билан тўлдирилсин:

«17². «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар шаҳарчаларининг тарбияланувчиларига ахборот технологиялари, хорижий тиллар, аниқ, табиий ва бошқа фанларга ўқитиш бўйича факультатив ва тўғарак машғулотларини, «давра суҳбатларини» ва фан мусобақаларини ташкил этган олий таълим муассасалари етакчи профессор-ўқитувчиларига олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мазкур низомда белгиланган тартибда уларнинг базавий лавозим маошига қўшимча ҳақ тўланади.».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сон қарорида:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида, йўл харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари» сўзлари «ҳамда йўл харажатлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 35 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни пул нафақалари ҳамда озик-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида низомда (1-илова):

4-банднинг учинчи хатбошисидаги «учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида, йўл харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари» сўзлари «ҳамда йўл харажатлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 35 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар таълим муассасаларида ўқиётган даврида ҳар ўқув йилида бир мартаба ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш харажатлари учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида субсидиялар ажратилади.»;

қуйидаги мазмундаги 6¹-боб билан тўлдирилсин:

«6¹-боб. Ўқувчи (талаба)ларнинг ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш харажатларини қоплаб бериш тартиби

35¹. Ўқувчи (талаба)га ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш учун тегишли маблағларни ажратишни расмийлаштириш ва бериш тартиби ижтимоий таъминот ёрдами каби амалга оширилади.

35². Ўқувчи (талаба)га ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар)-

ни харид қилиш учун маблағлар ишчи гуруҳнинг қарорига мувофиқ қабул қилинган таълим муассасалари раҳбарининг буйруғига асосан берилади.

35³. Ўқувчи (талаба)га ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар)-ни харид қилиш учун маблағлар таълим муассасаларининг харажатлар сметасига ажратилган маблағлар ҳисобидан ажратилади.

35⁴. Ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар) харид қилиш учун тегишли маблағлар ўқувчи (талаба)нинг банк пластик картасига пул ўтказиш орқали ёки нақд пул шаклида берилади.

35⁵. Ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар) харид қилиш учун тегишли маблағлар ўқувчи (талаба)га ўқув йили бошида лекин 1 октябрдан кечиктирилмаган ҳолда тўлаб берилади.

Бунда, ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш жараёни (уларни саралаш, танлаш ва сотиб олиш) ўқувчи (талаба) ҳамда таълим муассасаси ёшлар етакчиси (Олий таълим муассасаларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот етакчиси) билан бирга амалга оширилади.

35⁶. Мазкур бобда назарда тутилган тартиб таълим муассасаларида таҳсил олаётган ҳамда васийлик ва ҳомийликка олинган (берилган) етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамовидан маҳрум бўлган болаларга ҳам татбиқ этилади;

Низомга 4-илова «Ижтимоий таъминот ёрдами тури (сўм)» устунидан кейин қуйидаги мазмундаги устун билан тўлдирилсин:

«

Ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш харажатлари (сўм)

»;

Низомга 5-илова қуйидаги мазмундаги 8 — 10-позициялар билан тўлдирилсин:

«

8.	Ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш учун муассасага ажратилган маблағлар миқдори	сўм
9.	Қайдномага асосан берилган ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш учун берилган маблағлар миқдори	сўм
10.	Қайдномага асосан ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар)ни харид қилиш учун маблағ олаётган ўқувчи (талаба)лар сони	нафар

»;

в) Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низом (2-илова) қуйидаги мазмундаги 20¹-банд билан тўлдирилсин:

«20¹. Меҳрибонлик уйларига тарбияга олинган етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади.

Бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба тарбияланувчи болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганади, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари кўллаш чораларини кўриб боради.»;

г) Болалар шаҳарчаси тўғрисидаги низомда (3-илова):

қуйидаги мазмундаги 29¹-банд билан тўлдирилсин:

«29¹. Болалар шаҳарчасига тарбиялаш учун берилган болаларга Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади.

Бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба тарбияланувчи болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганади, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари кўллаш чораларини кўриб боради.»;

Низомга 1-иловада:

4-позициядаги «Директорнинг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари» сўзлари «Директорнинг тарбия ишлари бўйича биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

9.	Психолог	2	2	2
----	----------	---	---	---

»;

д) Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомда (4-илова):

3-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ота-оналарининг яқин қариндошларига ушбу болаларни навбатсиз, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан номзод сифатида ҳисобга қўйилмаган ҳолда, фарзандликка ёки оилага тарбияга (патронатга) олиш ҳуқуқи берилади.»;

қуйидаги мазмундаги 37¹-банд билан тўлдирилсин:

«37¹. Оилага тарбияга олинган (патронат) етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчи ва ходимлари бириктирилади;

Бириктирилган ҳарбий хизматчи ва ходимлар васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда бир ойда камида бир маротаба етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг таълим-тарбия олиш аҳволини ва маиший шарт-шароитларини ўрганади, шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки

ҳомий тайинлаш, фарзандликка бериш ва жойлаштиришнинг бошқа шакллари қўллаш чораларини кўриб боради.»;

Низомга 1-илованинг 6-банди «д» кичик бандидаги ва 11-бандидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари» сўзлари «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-илованинг 11-бандидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари» сўзлари «меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоизи миқдоридаги ажратмалар;»;

б) 5-банд қўйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоизи миқдоридаги ажратмалар ҳисобидан «Меҳр дафтари»га киритилган етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини молиялаштириш;»;
ўн бешинчи хатбоши ўн олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарори билан тасдиқланган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари тўғрисидаги низомнинг 14-банди қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«техникум, коллеж ёки олий таълим муассасасига ўқишга кирмаган ҳамда касб эгаллаш истагидаги етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни касб-хунарга ўқитиш;»;

учинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 8 апрелдаги 193-сон қарорида:

а) 1-банднинг «в» кичик банди қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оғир касалликка чалинган етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг республикада йўлга қўйилмаган жарроҳлик амалиётлари бўйича хорижий давлатлардаги жарроҳлик операциялари билан боғлиқ харажатларни қоплашда;»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) илованинг 5-банди қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оғир касалликка чалинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг республикада йўлга қўйилмаган жарроҳлик амалиётлари бўйича хорижий давлатлардаги жарроҳлик операциялари билан боғлиқ харажатларни қоплаш;»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартибнинг 19-бандида:

а) «а» кичик банд «мавжуд ёлғиз аёллар,» сўзларидан кейин «кам таъминланган оилаларнинг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда болалари ўқийдиган аёллар,» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) «д» кичик банд «ногиронлиги бўлган боласи мавжуд» сўзларидан кейин «ҳамда умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқийдиган болалари бор» сўзлари билан тўлдирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 400-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди ўн тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчалари ва оилавий болалар уйлари, шунингдек «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг болалар маҳаллаларидаги етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш тадбирларини молиялаштириш, шу жумладан, ушбу муассасалар тарбияланувчиларининг турмушини яхшилаш, касб-ҳунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган «коучинг» видео материаллар, мотивацион роликлар ва дарсликлар тўпламлари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш».

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 6 августдаги 500-сон қарорининг 2-банди қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Университетда «Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчалари, оилавий болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйлари тарбиячиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.»

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилалар фарзандларининг умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гуруҳларда ўқишини

моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 16 августдаги 523-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошисидagi «ёшлар» сўзи «кам таъминланган оилалар фарзандлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 25 октябрдаги 656-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 августдаги 164-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2014 йил 9 декабрдаги 338-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–398-сон қонунлари)» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарори 1-иловаси 101-бандининг «б» ва «в» кичик бандлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ–5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3024-сон қарори)» 2017 йил 29 августдаги 679-сон қарори иловасининг 13-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамовидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сон қарори 5-иловасининг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**646** Давлат хизматлари кўрсатишнинг инфратузилмаси такомиллаштирилганлиги ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон Фармониغا мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарор 2021 йил 1 декабрдан бошлаб кучга кирилади.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 октябрь,
661-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 октябрдаги 661-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги 114-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидалари 16²-бандининг иккинчи хатбошисидаги «бир базавий ҳисоблаш» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 октябрда эълон қилинган.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 33-банди иккинчи хатбошисидаги «лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди иккинчи хатбошисидаги «сертификат берганлик учун тўланадиган сумманинг эллик фоизи» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

12-банднинг иккинчи хатбошисидаги ҳамда 15-банднинг биринчи хатбошисидаги тегишли келишиқдаги «ҳисоб рақами» сўзлари «ҳисобварағи» сўзи билан алмаштирилсин.

22-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Лицензия дубликатини беришда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси адлия органининг ҳисобварағига ўтказилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 38-банди бешинчи хатбошисидаги «50 фоизи» сўзлари «10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ–2085-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорида:

а) 1-илованинг (Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом) 10-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. ННТнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади»;

б) 2-илованинг (Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом) 10-бандидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 августдаги 226-сон қарори

билан тасдиқланган Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом рус тилидаги матнининг 31-бандидаги «в половинном размере суммы сбора, уплачиваемой за выдачу разрешения на дату подачи заявления о выдаче дубликата» сўзлари «в размере 10 процентов базовой расчетной величины» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 45-бандидаги «50 фоизи» сўзлари «10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида» 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарорида:

а) 1-илованинг (Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом) 63-банди иккинчи хатбошидаги «табиатдан фойдаланувчининг рухсатномани бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун, дубликатни бериш ҳақидаги ариза топширилган санада тўланадиган сумманинг 50 фоизи» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг (Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом) 60-бандидаги «табиатдан фойдаланувчининг рухсатномани бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун, дубликатни бериш ҳақидаги ариза топширилган санада тўланадиган сумманинг 50 фоизи» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш (CITES) соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом) 52-бандидаги «табиатдан фойдаланувчининг рухсатнома бериш ҳақидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун дубликат бериш тўғрисидаги ариза берилган санада тўланадиган сумманинг 50 фоизи» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-илованинг (Положение о порядке прохождения разрешительных

процедур для получения сертификата на ввоз, вывоз наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров) 29-бандидаги «в половинном размере суммы сбора, уплачиваемого за рассмотрение Комитетом по контролю за наркотиками заявления заявителя о выдаче сертификата» сўзлари «в размере 10 процентов базовой расчетной величины» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг (Положение о порядке прохождения разрешительных процедур для получения разрешения на транзит наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров через территорию Республики Узбекистан) 24-бандидаги «в половинном размере суммы сбора, уплачиваемого за рассмотрение Комитетом по контролю за наркотиками заявления о выдаче разрешения на транзит» сўзлари «в размере 10 процентов базовой расчетной величины» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 июндаги 360-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-машиный секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом рус тили матнининг 28-бандининг учинчи хатбошисидаги «в половинном размере суммы сбора, уплачиваемого за рассмотрение заявления заявителя о выдаче документа разрешительного характера на дату подачи заявления о выдаче дубликата» сўзлари «в размере 10 процентов базовой расчетной величины» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан химоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорида:

а) 2-илованинг (Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом) 31-бандидаги «мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган сумманинг ярим» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг (Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитария сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низом) 30-бандидаги «мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган сумманинг ярим» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-банди учинчи хатбошисидаги «ариза берувчининг гувоҳномани бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун дубликат бериш тўғрисидаги ариза берилган санада тўланадиган сумманинг ярми» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган Қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, химояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва махсус асбоб-ускунани яратиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият турларини ҳамда бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 34-бандидаги «лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 409-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди иккинчи хатбошисидаги «бир баравари» сўзлари «10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат ва радиация хавфсизлиги соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялашни ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 октябрдаги 782-сон қарорида:

а) 1-илованинг (Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек, портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом) 27-банди иккинчи хатбошисидаги «лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг (Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом) 25-банди иккинчи хатбошисидаги «лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг (Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом) 26-бандида «лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 784-сон қарори билан тасдиқланган Саноат хавфсизлигини экспертизадан ўтказиш ва экспертиза хулосасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 52-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«52. Экспертиза хулосасининг дубликатини берганлик учун базавий

ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов ундирилади».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 декабрдаги 994-сон қарори билан тасдиқланган Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 6-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ваколатли орган томонидан товарларнинг келиб
чиқишини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш хизмати
бўйича нархлари**

Хизмат номи	Бирлик	Ариза берувчи мурожаат қилган кундаги БҲМ(ҚҚС)ни ҳисобга олмаганда)
ТИФ ТН коди бўйича 84 — 89 гуруҳига мансуб бўлмаган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш ва сертификат расмийлаштириш	1 сертификат	0,8
ТИФ ТН коди бўйича 84 — 89 гуруҳига мансуб товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш ва сертификат расмийлаштириш	1 сертификат	1,3
Сертификат расмийлаштирмасдан экспертиза далолатномаси / эксперт хулосаси тузиш ва расмийлаштириш	1 экспертиза далолатномаси / эксперт хулосаси	0,5
Экспертиза далолатномаси ёки экспорт қилувчининг ариза-декларацияси асосида сертификат расмийлаштириш, аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштириш, реэкспорт қилинаётган товарга сертификат/эксперт хулосаси расмийлаштириш	1 сертификат	0,5
Аввал берилган сертификатга дубликат расмийлаштириш, сертификатнинг қўшимча varaғи, алоҳида транспортда ташилаётган товар бирликларига берилган сертификат	1 сертификат	0,1
Экспорт қилинаётган товарнинг шартномада кўрсатилган барча миқдори бўйича келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш ва сертификат расмийлаштириш	1 сертификат	1,9
Банкка тақдим қилиш учун сертификатнинг асл нусхаси	1 сертификат	0,2
Аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштираётганда унинг қўшимча varaғини расмийлаштириш	1 сертификат	
Аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштираётганда алоҳида транспортда ташилаётган товар бирликларига сертификат расмийлаштириш	1 сертификат	
Сертификатнинг қўшимча varaғига дубликат расмийлаштириш	1 сертификат	0,1

».

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 январдаги 17-сон қарори билан тасдиқланган Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишга ва Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилишга рухсат бериш тартиб-тамоийилларидан ўтиш тартиби тўғрисида низомнинг 37-банди учинчи хатбоши-сидаги «Давлат экология қўмитаси ёки унинг ҳудудий бўлинмаси аризачининг дубликатни бериш ҳақидаги ариза берилган санага рухсатнома бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг ярми» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларига давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда), техник кўриқдан ўтказишда, шунингдек, тракторчи-машинист имтиҳонларини олишда ундириладиган тўлов ставкаларида:

а) «III. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида пластик шаклдаги техник паспорт ва вақтинчалик гувоҳнома бериш учун» бўлимининг изоҳларида:

учинчи — олтинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«яроқсиз ҳолга келган, шикастланган, ўғирланган, йўқолган техник паспорт, шунингдек йўқолган вақтинчалик гувоҳнома ўрнига дубликат бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

пластик шаклдаги техник паспорт жорий этилгунга қадар техник паспорт учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи, йўқотилганининг ўрнига дубликат бериш ёки яроқсизини алмаштириш учун 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади»;

б) «IV. Техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлари ва асбоб-ускуналарига техник гувоҳнома бериш учун» бўлимининг изоҳларида:

учинчи — олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар қўшилсин:

«яроқсиз ҳолга келган, шикастланган, ўғирланган, йўқолган техник паспорт, шунингдек йўқолган вақтинчалик гувоҳнома ўрнига дубликат бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади;

пластик шаклдаги техник паспорт жорий этилгунга қадар техник паспорт учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи, йўқотилганининг ўрнига дубликат бериш ёки яроқсизини алмаштириш учун 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади»;

в) «VI. Тракторчи-машинистдан имтиҳонларни олиш ва уларга гувоҳнома бериш учун» бўлимининг изоҳларида:

иккинчи хатбошидаги «70 фоизи» сўзлари «10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «1 баробари» сўзлари «10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «йўқолганининг ўрнига дубликат бериш учун — 50 фоизи, яроқсизини алмаштириш учун — 30 фоизи» сўзлари «йўқолганининг ўрнига дубликат бериш ёки яроқсизини алмаштириш учун 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги 138-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни

лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 34-бандидаги «лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июлдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган Кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда кема ҳайдовчиси гувоҳномаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 59-бандидаги «қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баравари» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарорида:

а) 5-илованинг (Туристлик хизматларни сертификатлаштириш ва туристик индустрия объектларини таснифлаш тартиби тўғрисидаги низом) 14-позицияси «тўлов миқдори (БХМда)» устунидаги «0,5» рақами «0,1» рақами билан алмаштирилсин;

б) 9-илованинг (Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом) 66-банди «БХМнинг 25 фоизи» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 октябрдаги 663-сон қарори билан тасдиқланган Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35-банди иккинчи хатбошисидаги «лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми» сўзлари «базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 797-сон қарори билан тасдиқланган Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 38-банди тўртинчи хатбошисидаги «0,5 баравари» сўзлари «10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон қарорида:

а) 1-иловада (Юридик шахсларнинг қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом):

31-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«31. Рухсатнома қайта расмийлаштирилганлиги учун рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Рухсатноманинг дубликати берилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ваколатли орган махсус ҳисобварағига ўтказилади»;

Низомга 11-илова изоҳ қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«** Рухсатнома қайта расмийлаштирилганлиги учун рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганда тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Рухсатноманинг дубликати берилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади».

б) 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларининг қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом):

30-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30. Рухсатнома қайта расмийлаштирилганлиги учун рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Рухсатноманинг дубликати берилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ваколатли орган махсус ҳисобварағига ўтказилади»;

Низомга 12-илова изоҳ қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«** Рухсатнома қайта расмийлаштирилганлиги учун рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганда тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Рухсатноманинг дубликати берилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**647** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги 61-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг қарорига кўра лингвистик экспертизадан ўтказилиши мумкинлиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (кейинги ўринларда — лойиҳа) лингвистик экспертизадан ўтказишнинг мақсади ва асосий вазифалари;

лоийҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш талаби;

лоийҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш тартиби;

лоийҳани лингвистик экспертизадан ўтказувчи маслаҳатчи ёхуд мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3. Белгилансинки:

2023 йил 1 январдан бошлаб лойиҳани ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан ёхуд топшириққа асосан вазирлик, идоралар билан келишишдан олдин лойиҳа матни давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида лингвистик экспертизадан ўтказилади;

лингвистик экспертиза лойиҳани ишлаб чиқувчи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (кейинги ўринларда — маслаҳатчи) томонидан амалга оширилади;

лоийҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш жараёнида ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан давлат органларининг илмий ва таълим ташкилотлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган фуқаролар, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 октябрда эълон қилинган.

тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — Марказ) ҳам шартнома асосида жалб қилиниши мумкин;

лингвистик экспертизани ўтказиш харажатлари бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларида лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш бўйича амалий семинарларни мунтазам ташкил этсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 октябрь,
662-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 октябрдаги 662-сон қарорига
1-ИЛОВА

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (кейинги ўринда — лойиҳа) лингвистик экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси — қонунчиликка мувофиқ қабул қилинадиган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилайдиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган расмий ҳужжат лойиҳаси;

лингвистик экспертиза — лойиҳа матнининг давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлигини мутахассис томонидан ўрганилиши;

давлат тили қоида ва талаблари — ўзбек адабий тилининг имловий, услубий, лексик-грамматик, график ва пунктуация қоидалари, атамаларни тўғри қўллаш ва матнда мантиқий хатоликларга йўл қўймаслик талаблари;

маслаҳатчи — давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси;

мутахассис — давлат органларининг илмий ва таълим ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган фуқаролар, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларида касбий фаолият билан шуғулланаётган шахслар.

3. Лойиҳа матни лингвистик экспертизанинг объекти ҳисобланади.

4. Лойиҳа матнининг лингвистик экспертизаси:

тақдим этилган лойиҳа матнининг давлат тили, имло, услубий, грамматик ва пунктуация қоидаларига мувофиқлигини текширишга;

лойиҳа матни аниқ ва тушунарли баён қилинганлиги, сўз бирикмалари тўғри танланганлигига ҳамда ўзаро тўғри боғланганлигига баҳо беришга;

лойиҳада янги атамалар қўлланилганда, уларга мос таъриф берилиши-

ни текшириш ҳамда мантиқий, таҳририй хато-камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган.

5. Лингвистик экспертиза лойиҳани ишлаб чиққан ташкилот раҳбарининг маслаҳатчиси томонидан ўтказилади.

6. Лингвистик экспертизани ўтказишда ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан шартнома асосида мутахассис ҳам жалб қилиниши мумкин. Ушбу тадбирлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2-боб. Лингвистик экспертизанинг мақсади ва асосий вазифалари

7. Лойиҳа матнини давлат тили қоида ва талабларига мослаш, янги атамаларни тўғри қўллаш ҳамда грамматика, имло, пунктуация қоидаларига мувофиқ бўлиши лингвистик экспертизанинг асосий мақсади ҳисобланади.

8. Лингвистик экспертизанинг асосий вазифалари қуйидагилар:

лойиҳа матнининг давлат тили қоида ва талабларига, жумладан, имло, услубий, грамматик ва орфография қоидаларига мос бўлишини таъминлаш;

лойиҳада соҳа атамаларининг тўғри қўлланилиши, янги атамалар қўлланилганда, уларга мос таъриф берилишини текшириш;

лойиҳа матни аниқ ва тушунарли баён қилинганлиги, сўз бирикмалари тўғри танланганлигига ва ўзаро тўғри боғланганлигига баҳо бериш;

лойиҳа матнидаги тушунча ва атамаларнинг маъносига мувофиқ ягона шаклда ва тўғри қўлланишини таъминлаш.

3-боб. Лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш талаблари

9. Лойиҳа матни лингвистик экспертизадан қуйидаги талаблар асосида ўтказилади:

жумлаларнинг соддалиги ва қисқалиги, таърифларнинг аниқлиги;

имло, услубий, грамматик ва орфография қоидаларига мослиги;

янги атамалар, шунингдек, соҳа атамаларининг тўғри қўлланганлиги;

сўз бирикмаларининг ўзаро тўғри боғланганлиги;

баённинг тизимлилиги ва ифодали кетма-кетлиги.

10. Лойиҳада, шунингдек, унга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларда қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

овзаки нутқ шакллари;

давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлган тақдирда, чет тиллари атамалари;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар;

аббревиатура ва қисқартмалар (бундан умумий қабул қилинган аббре-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

виатура ва қисқартмалар, шунингдек қонуности ҳужжатларининг иловаларидаги ташкилотларнинг қисқартирилган номлари мустасно).

4-боб. Лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш

11. Лингвистик экспертиза ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан ёхуд топшириққа асосан вазирлик ва идоралар билан келишишдан олдин ўтказилади.

Давлат тили ва уни ривожлантиришга оид қонунчилик ҳужжатларининг лойиҳалари лингвистик экспертизадан ўтказилиши шарт.

12. Лойиҳанинг лингвистик экспертизаси ушбу Низомнинг 1-иловасида* кўрсатилган схемага мувофиқ ўтказилади.

13. Лойиҳа ташкилот раҳбарининг кўрсатмасида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, маслаҳатчига келиб тушган санадан бошлаб уч иш кунида лингвистик экспертизадан ўтказилади.

14. Мутахассис томонидан лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш муддати у билан тузилган шартномада кўпи билан беш иш куни этиб белгиланади.

15. Лойиҳанинг лингвистик экспертиза натижаси тўғрисида ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларда* кўрсатилган намунага мувофиқ хулоса берилади.

Хулосада лойиҳа матнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш, тегишли тузатишлар киритиш, матнни қисқартириш, қайта ишлаш бўйича аниқ тавсиялар кўрсатилади. Ушбу тавсиялар жадвал шаклида баён қилиниб, унда лойиҳа матнининг дастлабки таҳрири ҳамда экспертиза натижасида тавсия этилаётган таҳрир акс эттирилади.

16. Лойиҳа лингвистик экспертизадан ўтказилганидан кейин хулоса маслаҳатчи ёхуд мутахассис томонидан имзоланади. Лингвистик экспертиза натижалари бўйича қабул қилинган хулосанинг сифати учун маслаҳатчи ёхуд мутахассис жавобгар ҳисобланади.

17. Лойиҳани ишлаб чиқувчи хулосада кўрсатилган тавсиялар асосида лойиҳа матнини қайта кўриб чиқади ҳамда келишиш учун вазирлик ва идораларга юборади.

5-боб. Лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказувчи маслаҳатчи ёхуд мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Лингвистик экспертизани ўтказадиган маслаҳатчи ёхуд мутахассис: қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лингвистик экспертизадан ўтказадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари предметига тааллуқли бўлган ҳужжатлар билан танишиш;

лингвистик экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш;

лингвистик экспертизадан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва уларнинг лойиҳалари нормаларини аниқлаштириш ва улар бўйича тегишли тушунтиришларни олиш ҳуқуқига эга.

Маслаҳатчи ёхуд мутахассис қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Лингвистик экспертизани ўтказадиган маслаҳатчи ёхуд мутахассис: лингвистик экспертизани ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган талабларига риоя қилиш;

лингвистик экспертизани ўтказиш муносабати билан ўзига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилмаслик;

зарур ҳолларда лингвистик экспертиза хулосаларини асослаб бериши; тақдим этилган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлашга мажбур.

Маслаҳатчи ёхуд мутахассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоидалар

20. Лингвистик экспертиза ўтказиш жараёнида «Давлат тили ҳақида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари, Ўзбек тилининг изоҳли ва имло луғатлари, соҳа ва тармоқ луғатлари, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Географик объектларнинг номлари давлат реестри маълумотлари, давлат тилида иш юритишга оид адабиёт ва услубий қўлланмалар, шунингдек, ўзбек адабий тилининг бошқа илмий-услубий манбаларидан фойдаланилади.

21. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 октябрдаги 662-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатда давлат тилида иш юритиш-ни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 20 январдаги 34-сон қарорида:

а) 3-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда давлат тилини ривожлантиришга оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш»;

б) илованинг 4-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда давлат

тилини ривожлантиришга оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 3 мартдаги 117-сон қарори 3-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ****648 Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172-2

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги 2019-45-сон қарори (рўйхат рақами 3172, 2019 йил 12 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 28-сон, 514-модда) билан тасдиқланган Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 24 сентябрь,
2021-37-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил
24 сентябрдаги 2021-37-сон қарорига
ИЛОВА

**Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига
киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга
киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартириш**

1. 4-бандда:

«д» кичик банд «юридик шахслар» деган сўзлардан кейин «, чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари (бўлинмалари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«е» кичик банд «юридик шахслар» деган сўзлардан кейин «ва уларга товар (иш ва хизмат) етказиб берувчи чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари (бўлинмалари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги «з» кичик банд билан тўлдирилсин:

«з) реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган электрон шаклдаги хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари.».

2. 7-банднинг иккинчи хатбошисидagi «қарор» деган сўз «буйруқ» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Мазкур қўшимчалар ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 23 сентябрь

*Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазири*

Д. КУЧКАРОВ

2021 йил 10 сентябрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2021 йил 15 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ КАДАСТР
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

649 Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ–6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ–4819-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 4-сон қарори (рўйхат рақами 3156, 2019 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 17-сон, 335-модда) билан тасдиқланган Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Директор

Ф. УМАРОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 14 октябрь,
12-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр
агентлиги директорининг 2021 йил
14 октябрдаги 12-сон буйруғига
ИЛОВА

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«рўйхатдан ўтказувчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий бошқарма деб юритилади) раҳбарлари томонидан тайинланадиган масъул шахслар.»;
2. 2, 5, 6 ва 8-бандлардаги «ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» деган сўзлар «ҳудудий бошқарма» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
3. 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«34. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг буйруғи билан Апелляция комиссияси тузилади. Апелляция комиссияси таркибига Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг комиссия фаолиятида иштирок этмаган масъул ходимлари орасидан Апелляция комиссияси раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.».
4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

Келишилди:

Қурилиш вазири

Б. ЗАКИРОВ

2021 йил 5 октябрь

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Ш. КУДБИЕВ

2021 йил 13 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАНИНГ
ҚАРОРИ

650 «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш
учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 612-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 26 сентябрдаги 1-сон қарорига (рўйхат рақами 3071, 2018 йил 27 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2018 й., 10/18/3071/1970-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

С. ТОШБОЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 октябрь,
3-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрдаги
3-сон қарорига
ИЛОВА

**«Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун
розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номидаги «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун
розилик бериш» деган сўзлар «Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш
юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин
ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш» деган сўзлар билан алмаш-
тирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилот-
лар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 сен-
тябрдаги 612-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-
даги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-
ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-
ридаги Дин ишлари бўйича қўмита қарор қилади:»;

в) 1-банддаги «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун
розилик бериш» деган сўзлар «Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш
юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин
ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш» деган сўзлар билан алмаш-
тирилсин.

2. Илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён
этилсин.

«Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил
26 сентябрдаги 1-сон қарорига
ИЛОВА

**Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг хулосасини олиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишда рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг (кейинги ўринларда — Қўмита) хулосасини олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

диний таълим муассасаси — муайян конфессияга мансуб бўлган, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчиларини ва улар учун зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи томонидан ташкил этилган муассаса;

диний ташкилот — фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-русумлар ва маросимларни бажариш мақсадида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган кўнгилли бирлашмаси (маҳаллий диний ташкилот, диний таълим муассасаси ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи);

диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи — бир конфессиянинг маҳаллий диний ташкилотлари, шунингдек диний таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта маъмурий-худудий бирлигида (Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятда,

Тошкент шаҳрида) рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган маҳаллий диний ташкилотлар томонидан ташкил этилган диний ташкилот;

маҳаллий диний ташкилот — Ўзбекистон Республикасининг тегишли тумани (шаҳари) ҳудудида доимий яшаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, элик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташаббуси билан ташкил этилган, фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ёки шаҳар ҳудудида амалга оширувчи диний ташкилот (масжидлар, черковлар, синагогалар, ибодатхоналар ва бошқалар).

2-боб. Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш юзасидан хулоса олиш

2. Қўмигага диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари ёки улар томонидан вакил қилинган шахслар хулоса олиш учун мурожаат қилади.

3. Мурожаатга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) марказий бошқарув органи учун:

таъсис йиғилишининг (конференциясининг) марказий бошқарув органини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва бошқарув органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларини ўз ичига олган қарорининг нусхаси;

марказий бошқарув органининг давлат тилидаги устави нусхаси;

жойлашган еридан диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланиши мўлжалланаётган кўчмас мулкка эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

марказий бошқарув органининг таъсисчилари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 1-иловасидаги* шаклга мувофиқ маълумот;

марказий бошқарув органининг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 2-иловасидаги* шаклга мувофиқ маълумот;

марказий бошқарув органининг раҳбариди диний профессионал маълумот мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно (диний маълумот ҳақидаги ҳужжат хорижий давлатда берилганда унинг тан олинганлиги бўйича ҳужжат нусхаси ҳам тақдим қилинади);

б) диний таълим муассасалари учун:

марказий бошқарув органининг диний таълим муассасасини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш (тайинлаш) бўйича маълумотларни ўз ичига олган қарорининг нусхаси;

диний таълим муассасасининг давлат тилидаги устави нусхаси;

диний таълим муассасасининг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ маълумот;

в) маҳаллий диний ташкилотлар учун:

таъсис йиғилишининг маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг нусхаси;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маҳаллий диний ташкилотни давлат тилидаги уставининг нусхаси;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли тумани (шаҳари) ҳудудида доимий яшаётган, маҳаллий диний ташкилотни ўз ташаббусига кўра тузаётган, ўн саккиз ёшга етган эллик нафардан кам бўлмаган маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари томонидан имзоланган мазкур Низомнинг 3-иловасидаги* шаклга мувофиқ маълумот;

маҳаллий диний ташкилотнинг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ маълумот;

маҳаллий диний ташкилот раҳбариди диний профессионал маълумот мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно (диний маълумот ҳақидаги ҳужжат хорижий давлатда берилганда унинг тан олинганлиги бўйича ҳужжат нусхаси ҳам тақдим қилинади);

маҳаллий диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкнинг шаҳарсозлик нормалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалар илова қилинган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хулосасининг нусхаси.

4. Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун хулоса олиш тўғрисидаги мурожаат олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

5. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун хулоса олиш тўғрисидаги мурожаатлар Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари орқали ўрганилади.

Бунда, ҳудудий бошқармаларга юборилган мурожаатлар ўн беш кунлик муддатдан ошмасдан жойига чиққан ҳолда ўрганилиб чиқилади.

6. Қўмита мурожаатни кўриб чиқиш яқунларига кўра, тақдим этилган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан мурожаат қилувчига хулоса тақдим этади.

7. Қўйидагилар диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун хулоса олиш тўғрисидаги мурожаатни рад этишга асос бўлади:

мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда атайин нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги;

илгари худди шу номдаги ёки адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган номдаги диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилганлиги;

ҳужжатлар суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар томонидан тақдим этилганлиги.

Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун хулоса олиш тўғрисидаги мурожаатни мазкур бандда назарда тутилмаган асослар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун хулоса олиш тўғрисидаги мурожаат рад этилган тақдирда, Қўмита томонидан шу куннинг ўзида мурожаат қилувчига рад этиш асослари кўрсатилган хабарнома юборилади.

Бунда, хабарномада мурожаат рад этилган кундан бошлаб ўттиз иш куни ичида унинг рад этилишига асос бўлган камчиликлар бартараф этилган ҳолда Қўмитага такроран тақдим қилиниши мумкинлиги кўрсатилиши лозим.

9. Рад этилган кундан бошлаб ўттиз иш куни ичида такроран тақдим этилган мурожаат, Қўмита томонидан, у келиб тушган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида, ушбу мурожаатнинг аввал рад этилишига асос бўлган қисмигина кўриб чиқилади.

10. Қўмитага рад этилган кундан бошлаб ўттиз иш куни ўтгандан кейин тақдим қилинган мурожаат янгидан тақдим этилган деб ҳисобланади ҳамда умумий асосларда кўриб чиқилади.

11. Мурожаатни такроран кўриб чиқишда Қўмита томонидан аввалги рад этиш учун асосларда баён этилмаган сабаблар келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

3-боб. Яқуний қоида

12. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ
БУЙРУҒИ

651 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш кiritиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3210-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2019 йил 8 декабрдаги 248-сон буйруғи (рўйхат рақами 3210, 2020 йил 13 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2020 й., 10/20/3210/0049-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Миллий гвардия
қўмондони**

Р. ДЖУРАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 октябрь,
281-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 2021-37-сон «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил 14 октябрдаги 12-сон «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2021 йил 29 октябрдаги 3-сон «Диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун розилик бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3071-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондонининг 2021 йил 15 октябрдаги 281-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3210-2.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 октябрдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомига асосан доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳамда уларнинг таркибига кирадиган ҳакамлик судьялари сони тўғрисида
М А Ъ Л У М О Т

2021 йил 1 октябрь ҳолатига.

Т/р	Ҳудудий адлия органлари номи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари	Ҳакамлик судьялари
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	14	25
2.	Андижон	19	8
3.	Бухоро	18	39
4.	Жиззах	12	13
5.	Қашқадарё	14	35
6.	Навоий	14	60
7.	Наманган	14	59
8.	Самарқанд	23	53
9.	Сирдарё	5	10
10.	Сурхондарё	20	47
11.	Фарғона	21	31
12.	Хоразм	16	37
13.	Тошкент шаҳар	38	501
14.	Тошкент вилоят	24	33
15.	Жами	252	951

Андижон вилояти			
1	2	3	4
Т/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш санаси ва тартиб рақами	Ҳакамлик суди судьяси Ф.И.О
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят бошқармаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	28.02.2009 йил. № 5-1	Вакант
2.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 34	1. Рўзиев Шавкатбек 2. Қўчқаров Тулкинбой Позилович
3.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Жалақудук туман ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 33	Вакант
4.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Избоскан туман ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 31	Вакант
5.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Хўжаобод туман ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 29	Вакант
6.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Марҳамат туман ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 30	Вакант
7.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Шаҳрихон ва Бўз туманлараро ҳакамлик суди	18.03.2016 йил. № 32	1. Орипов Муроджон Тоштемирович 2. Мамажонов Илхомжон Умрзакович 3. Сайфитдинов Олимжон Шамсидинович

1	2	3	4
8.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Қўрғонтепа туман ҳакамлик суди	30.06.2010 йил. № 78	Камолов Муҳиддин Рузиевич
9.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Асака туман ҳакамлик суди	12.05.2011 йил. № 62	Вакант
10.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Балиқчи ва Улуғнор туманлараро ҳакамлик суди	13.07.2017 йил. № 25	Ахмедов Олимжон Маматқосимович
11.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Андижон туман ҳакамлик суди	09.09.2011 йил. № 75	Вакант
12.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Хонобод ва Қорасув шаҳарлараро ҳакамлик суди	07.05.2012 йил. № 38	Вакант
13.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Андижон вилоят ваколатхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Олтинқўл туман ҳакамлик суди	07.05.2012 йил. № 2	Ботиров Қурбонали Абдукаҳарович
14.	«Асака Васатия» хусусий корхонаси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	06.01.2010 йил. № 1	Вакант
15.	«Адолат ҳакам-Анд» масъулияти чекланган жамият ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	09.11.2009 йил. № 65	Вакант
16.	«Бахт Ишонч Ҳамкор» масъулияти чекланган жамият ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	03.05.2009 йил. № 18	Вакант

1	2	3	4
17.	«Брем Анд Контакт» масъулияти чекланган жамият хузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	07.08.2009 йил. № 32	Вакант
18.	«Баркамол Шамс Нури» масъулияти чекланган жамият хузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	07.08.2009 йил. № 36	Вакант
19.	«Тадбиркор аёл» нодавлат нотижорат ташкилот хузурида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	27.10.2009 йил. № 62	Вакант
Бухоро вилояти			
1.	Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси хузуридаги ҳакамлик суди	6.02.2009 йил. № 1	1. Махсудов Ёдгор Мухамадович 2. Холов Фазлиддин Холевич 3. Мирзаев Жамшид Тоҳирович 4. Курбанов Ҳасан Нарзуллаевич 5. Ташпулатова Нилуфар Каримовна 6. Кулдашева Махфузажон Бахшиллоевна 7. Идиев Шухрат Саидович 8. Абдурахимов Умид Каримович 9. Ашуров Дилшод Каримович 10. Алмосов Ёрқин Абдуманнонович
2.	«MEDIATOR» хусусий консалтинг корхонаси хузуридаги «Ҳимоя» ҳакамлик суди	26.02.2009 йил. № 2	1. Юльчиева Динара Вахобовна 2. Атоев Азамат Ашурович 3. Хасанов Уктам Насуллоевич 4. Салимиджанов Баходир Равшанович 5. Пак Роза
3.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси хузуридаги Бухоро вилоят ҳакамлик суди	09.07.2010 йил. № 3	1. Махмудов Фурқат Ҳасанович 2. Раджапова Дилфуза Зокировна 3. Ҳамроев Фарход Рузиевич 4. Холов Бахтиёр Акрамович 5. Ҳамроев Мўмин Жалол ўғли 6. Жумаев Наврузжон Садиллоевич 7. Хаитов Шамшод Шомуродович 8. Қудратов Ҳамдам Чориевич 9. Тоиров Суръат Махсудович
4.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси хузуридаги Гиждувон туман ҳакамлик суди	09.07.2010 йил. № 4	Вакант
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси хузуридаги Ромитан туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 5	Вакант

1	2	3	4
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Қоровулбозор туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 6	Файзиев Ҳаким Равшанович
7.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Бухоро шаҳар ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 7	Мавлонов Хасанбой Боймуродович
8.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Вобкент туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 8	Вакант
9	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Жондор туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 9	Вакант
10.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Бухоро туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 12	Вакант
11.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Когон шаҳар ва туман ҳакамлик суди	19.08.2010 йил. № 13	Вакант
12.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Олот туман ҳакамлик суди	30.11.2010 йил. № 15	Қандимов Отажон Назарович
13.	«ARBITR BUKHARA» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги ҳакамлик суди	24.03.2011 йил. № 16	1. Файзиев Рустам Рахматович
			2. Юсупов Баходир Бахронович
			3. Йулдошев Журабек Сайфидинович
			4. Рахимов Бахтиёр Исломович
14.	«FEMIDA — BUXORO» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги Бухоро ҳакамлик суди	13.03.2012 йил. № 17	Сохибов Ўткир Субхонович
15.	«FEMIDA — IMKON PLYUS» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Бухоро ҳакамлик суди	31.05.2013 йил. № 19	Қобилов Эркин Олимович

1	2	3	4
16.	«ARBITR BUKHARA» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги ҳакамлик суди	24.03.2011 йил. № 16	1. Файзиев Рустам Рахматович
			2. Юсупов Баходир Бахронович
			3. Йулдошев Журабек Сайфиддинович
			4. Рахимов Бахтиёр Исломович
17.	«FEMIDA — BUXORO» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги Бухоро ҳакамлик суди	13.03.2012 йил. № 17	Соҳибов Ўткир Субҳонович
18.	«FEMIDA — IMKON PLYUS» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Бухоро ҳакамлик суди	31.05.2013 йил. № 19	Қобилов Эркин Олимович
Жиззах вилояти			
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик суди	24.02.2009 йил. № 1	1. Бабамурадов Умнат Эрманович
			2. Кулматов Фарход Уралович
			3. Нарзуллаев Пулат Хасанович
			4. Сулайманов Сайдивали Абдусаломович
2.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги ҳакамлик суди	15.04.2011 йил. № 2	1. Абдуваитов Абдулваси
			2. Бурибоев Бахриддин
			3. Бекбобоев Сухроб Қахромонович
			4. Болтабоев Мамаражаб
			5. Абдуваитова Нигора Абдувасиевна
			6. Болтабоев Умурзоқ Мамаражаб ўғли
			7. Дўстанов Улуғбек Шербекевич
			8. Каратаев Нематулла Маматович
			9. Турданов Абдухошим Ахмедович
3.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Жиззах шаҳар ҳакамлик суди	16.09.2011 йил. № 3	Вакант
4.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Жиззах туман ҳакамлик суди	16.10.2011 йил. № 4	Вакант
5.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Зомин туман ҳакамлик суди	14.11.2011 йил. № 5	Вакант

1	2	3	4
6.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Янгиобод туман ҳакамлик суди	14.11.2011 йил. № 6	Вакант
7.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Галлаорол туман ҳакамлик суди	13.12.2011 йил. № 7	Вакант
8.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Зафаробод туман ҳакамлик суди	13.12.2011 йил. № 8	Вакант
9.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Фориш туман ҳакамлик суди	08.02.2012 йил. № 9	Вакант
10.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Дўстлик туман ҳакамлик суди	25.04.2012 йил. № 10	Вакант
11.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Бахмал туман ҳакамлик суди	23.07.2012 йил. № 11	Вакант
12.	Ҳакамлик судлари ассоциацияси Жиззах вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Мирзачўл туман ҳакамлик суди	08.10.2012 йил. № 12	Вакант
Қорақалпоғистон Республикаси			
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон бошқармаси ҳузуридаги ҳакамлик суди	27.03.2009 йил. № 1	1. Айбергенов Рустем Бердибаевич 2. Кабулов Хожабай Алдашович 3. Маткаримова Диларам Даулетбаевна 4. Азербайев Куанышбай Кошкинбаевич 5. Сейтахов Ажинияз Полатбаевич 6. Изимбетова Раушан Таженовна 8. Казакбаев Рустем Нуранбаевич 9. Қутибаев Сағййдулла Муфтуллаевич 10. Алланазаров Саламат Қайратдинович
2.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	28.08.2011 йил. № 2	1. Тилегенов Марат Хожабаевич 2. Сапаров Аббаз Утепбергенович 3. Абдуллаев Азатбай
3.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	22.11.2011 йил. № 3	1. Улымбетов Абай Муратович 2. Аймуратова Арухан Юсуповна 3. Мняжова Гулчехра Айтбаевна

1	2	3	4
4.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	22.11.2011 йил. № 4	Абдуллаев Амирбек Саламатович
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	22.11.2011 йил. № 5	Вакант
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	22.11.2011 йил. № 6	Вакант
7.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	22.11.2011 йил. № 7	1. Исмаилов Ибрагим Қурбанбаевич 2. Серикбаев Мансурбек Абдихаликович 3. Раджапова Насиба Зарипбаевна
8.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	22.11.2011 йил. № 8	Вакант
9.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	27.02.2012 йил. № 9	Аллаберганов Мадияр Исмаилович
10.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	12.04.2012 йил. № 10	Вакант
11.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	06.01.2014 йил. № 11	Вакант
12.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	17.09.2014 йил. № 12	Вакант
13.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	17.09.2014 йил. № 13	Вакант
14.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали	31.08.2016 йил. № 14	1. Алимов Зокир Балтабаевич 2. Джумамуратов Максуд Раджапович 3. Атаджанов Уктам Юлдашевич
Қашқадарё вилояти			
1.	Қарши шаҳар «Ҳолис калқон» масъулияти чекланган жамияти	02.02.2009 йил. № 1	1. Нормўминов Қўшок Абдухолиқович 2. Кучаров Джулчи Худжаевич 3. Сапаров Зиёдулла

1	2	3	4
2.	Ўзбекистон Савдо саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси	26.02.2009 йил. № 2	1. Юсупов Эркин Холматович
			2. Каримов Суюн
			3. Гадаев Қувончбек Эшқобилович
			4. Қудратов Обид Ўқтамович
			5. Имамов Фарход Фармонович
			6. Гулов Мухтор Очилович
3.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят	05.11.2010 йил. № 3	1. Турсунов Саидахмад Махмасоатович
			2. Юлдашев Баходир Ботирович
			3. Усманов Шарофхон Исомиддинович
			4. Бекбутаев Шавкат Бекбутаевич
			5. Ташев Бахтиёр
			6. Мурадов Фахриддин Тожиддинович
			7. Нурматов Убайдулла Ташмуродович
4.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Шаҳрисабз туман ҳакамлик суди	21.01.2011 йил. № 4	1. Тўраев Анвар Хакимович
			2. Ачилдиев Абдувайит Тураевич
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ваколатхонаси ҳузуридаги Косон туман ҳакамлик суди	21.01.2011 йил. № 5	1. Ачилов Шухрат Абдугафурович
			2. Эшимов Фахриддин Хўжайарович
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Китоб туман ҳакамлик суди	01.03.2011 йил. № 6	Вакант
7.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Яккабоғ туман ҳакамлик суди	01.03.2011 йил. № 7	Қобилов Озод Замонович
8.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Гузор туман ҳакамлик суди	31.03.2011 йил. № 8	Вакант
9.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Чирокчи туман ҳакамлик суди	31.03.2011 йил. № 9	Вакант
10.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Муборак туман ҳакамлик суди	11.04.2011 йил. № 10	Вакант

1	2	3	4
11.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Қарши туман ҳакамлик суди	11.05.2011 йил. № 11	1. Эшимов Хоким Бобоёрович
			2. Хушматов Шахбоз Нафас ўғли
			3. Эшқобилов Камол
			4. Эшимов Бобур Илхомович
			5. Бахтиёров Низомиддин Абсаматович
			6. Бўранов Иқромжон Абдушукурович
			7. Раҳмонов Шохрух Ровшан ўғли
			8. Ибрагимов Муҳаммадхон Ибрагим ўғли
			9. Ибрагимов Илёс Ибрагим ўғли
			10. Нурмаҳматов Шухрат Нурмаҳмат ўғли
			11. Саидов Отабек Шухратович
			12. Турдалиев Эркин Шухратович
			13. Омонов Толиб Омонович
			14. Абдурахмонов Баҳриддин Рўзиевич
12.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Касби туман ҳакамлик суди	28.11.2011 йил. № 12	Вакант
13.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Қамаш туман ҳакамлик суди	28.11.2011 йил. № 13	Вакант
14.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги Нишон туман ҳакамлик суди	16.12.2011 йил. № 14	Вакант
Навоий вилояти			
			1. Исмоилов Шерзод Мирсолиевич
			2. Махкамов Шерзод Нурмухаммадович
1.	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят бошқармаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	13.02.2009 йил. № 1	3. Тилавов Мизроб Худойназарович
			4. Эшқувватова Мукаррам Нормурадовна
			5. Худойбердиев Комил Тоштемирович
			6. Низомов Шавқиддин Шамсиддин ўғли
			7. Дониёрова Фируза Холмировдовна
			8. Тайлақов Тоштемир Амонбоевич
			9. Норов Абдувоҳид Орипович
			10. Қуролов Уйғун Қулмонович
			11. Базаров Бахтиёр Бабакулович

1	2	3	4
2.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.10.2010 йил. № 2	1. Тилавов Мизроб Худойназарович 2. Ҳайитов Алибек Асадович 3. Рахмонов Ҳакимжон Мехриддинович 4. Эшқувватова Мукаррам Нормурадовна 5. Муминов Собиржон Жумакулович 6. Изатуллаев Фарход Тўхтаевич 7. Толибова Санобар Рузиқуловна 8. Узоқов Жаҳонгир Жамолович 9. Бабаёрова Лола Шамсиддин қизи 10. Мардонов Худоёр Севдиёрович 11. Тилаболдиева Мавлудахон Турсуновна 12. Камолов Муродилло Давронович 13. Раззоқов Шахридин Шавкатович 14. Назаров Нодир Чўлиевич 15. Шарипова Муяссар Эсанбоевна 16. Туронова Маърифат Аваз қизи 17. Бобоходжаев Рустам Баходирович
3.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Кармана туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 3	1. Дostonов Жаҳонгир Эркинович 2. Гаппоров Ибодулло Қудратович 3. Муртазоев Ойбек Барноевич 4. Юлдошева Зулфия Ҳамид қизи
4.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Қизилтепа туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 4	1. Сувонов Отабек Хайруллоевич 2. Амонов Аминжон Эргашевич
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Конимех туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 5	Вакант
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Навбахор туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 6	1. Абдурахмонов Акрам Абдухалилович 2. Хасанов Маъруфжон Муртазаевич

1	2	3	4
7.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Нурота туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 7	Вакант
8.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Учқудук туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 8	Вакант
9.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Хатирчи туман ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 9	1. Тўқсонов Мурод Хасанович
			2. Шукуров Илхом Ортиқович
10.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Зарафшон шаҳар ҳакамлик суди	23.12.2010 йил. № 10	1. Исроилова Дилором Ортиқовна
			2. Шамсутдинова Гулниса Шароповна
11.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Навоий вилоят ваколатхонаси ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Навоий шаҳар ҳакамлик суди	27.02.2013 йил. № 11	1. Ахмедов Ҳамдулла Абдинабиевич
			2. Ширинов Фирдавс Муҳиддинович
			3. Мусирмонов Рустам Нормухаммедович
			4. Каримов Илхом Исломович
			5. Назаров Чўли Рахимович
			6. Асланов Зухриддин Бахриддинович
			7. Шарипов Ҳамдамбой
12.	«EXPORT IMPORT CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти	18.10.2016 йил. № 12	1. Махкамов Шерзод Нурмухаммадович
			2. Отаев Феруз Фозилович
			3. Латипов Суръат Рўзимуродович
			4. Норов Абдувоҳид Орипович
			5. Қодиров Алишер Эшпўлатович
			6. Розиков Лазизжон Абдунабиевич
			7. Холов Жасур Махмудович
			8. Амонов Шуҳрат Бахтиёрвич
			9. Бозорова Камола Очилтошовна
13.	«NAVOIY-ESPERANTO» масъулияти чекланган жамияти	06.06.2018 йил. № 13	1. Махкамов Шерзод Нурмухаммадович
			2. Базаров Бахтиёр Бабакулович
			3. Норов Абдивоҳид Орипович

1	2	3	4
14.	«NAVOIY ARBITRAJ MARKAZI» masъулияти чекланган жамияти	24.04.2020 йил. № 14	Садиков Анвар Сабирязович
Наманган вилояти			
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят худудий бошқармаси	28.05.2009 йил. № 2	1. Дадаханов Алишер Хаписович 2. Исмоилов Юсуфжон 3. Инамов Рустам Пулатович 4. Мирзаев Расул Инамджанович 5. Мухитдинов Муслихўжа Нуманович
2.	«Озодлик» хусусий корхонаси	23.06.2009 йил. № 3	1. Ибрагимов Ваҳобжон 2. Санджаров Искандар 3. Нуриллаев Абдурахмон 4. Долимов Хабибилла Абдуғапарович
3.	«Виждон ҳимоя қўриқлаш» МЧЖ	12.11.2010 йил. № 5	1. Абдуллаев Баходир Одилович 2. Ҳақимова Раъно Равшановна 3. Рузибаев Тургунпулат 4. Қирғизбаева Вазираҳон Ибрагимовна 5. Қурбонов Шерали
4.	«Холис ҳакам» хусусий корхонаси	23.12.2010 йил. № 6	1. Ибрагимов Алишер Шарипович 2. Юлдашев Абдусалом Абдулахадович 3. Нуриллаев Абдурахмон 4. Аҳмаджанова Оқилаҳон Аъзамовна
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилояти ваколатхонаси	05.10.2011 йил. № 7	1. Орипов Хусанбой Йўлчибоевич 2. Султанов Искандар Илхомович 3. Куранов Бахтиёр Джураевич 4. Мамазиятов Абдуллажон Солохиддинович 5. Кахаров Абдукаюм Камилович 6. Имамов Закиржон Алишерович 7. Абдурахматов Баходир Холмамат ўғли
			8. Абзалилова Гулшана Кутлахмедовна 9. Холматов Ҳаким Маликович 10. Хўжаев Раҳмон Парпиевич 11. Абдурахмонов Равшанжон Омонович 12. Тухлибоев Шерозий Эркинбой ўғли 13. Артиков Маруфхон Бакиханович 14. Нишанов Одил Абсаттарович
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилояти ваколатхонаси (Косонсой тумани)	05.10.2011 йил. № 8	1. Тожибоев Султонхон Сайдаминович 2. Набиев Анвар Хусанбоевич 3. Бекмуратова Азиза Абдуманнаевна. 4. Аҳмаджанов Нўмонжон

1	2	3	4
7.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилояти ваколат-хонаси (Учкўрғон тумани)	05.10.2011 йил. № 9	1. Атажанов Абдумалик Зокиржанович 2. Тўраев Иброҳим Азимович 3. Мамадалиева Зухра Соибовна 4. Раҳманова Азиза Зокировна 5. Хайдарова Нигора Боймирзаевна
8.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилояти ваколат-хонаси (Уйчи тумани)	10.11.2011 йил. № 10	1. Солиева Хаמידахон 2. Икрамов Туроббой 3. Абдукаримов Қодиржон Абдукаримович
9.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилояти ваколат-хонаси (Чуст тумани)	11.11.2011 йил. № 11	1. Абдонова Одинахон Закиржановна 2. Хаджаева Наргиза Латиповна 3. Охундедаева Нигора Сотиболдиевна 4. Умарова Мухаббатхон Якубовна 5. Хаитов Ғанижон Алиевич
10.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилояти ваколат-хонаси (Тўрақўрғон тумани)	11.11.2011 йил. № 12	1. Шоматова Асилжон Шерқўзиевна 2. Сайфитдинов Комилжон Кутбидинович 3. Қаххоров Музаффар Валижанович
11.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилояти ваколат-хонаси (Норин тумани)	24.02.2012 йил. № 13	1. Джаббаров Тургун Сатвалдиевич 2. Хайдарова Диана Рафиқовна 3. Атаджанова Фарида Закировна
12.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилояти ваколат-хонаси (Чортоқ тумани)	24.02.2012 йил. № 14	1. Абдуллаев Шухрат Назруллаевич 2. Нуридинов Бахтиёр Косимжанович
13.	Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилояти ваколат-хонаси (Мингбулоқ тумани)	04.09.2012 йил. № 15	Алматов Фозилжон Абдукадирович
14.	Ўзбекистон халқаро арбитраж ва ҳакамлик судларини ривожлантириш жамоат фонди ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Наманган вилоят ҳакамлик суди	23.07.2018 йил. № 17	Раҳманов Шарибжон Араббаевич
Самарқанд вилояти			
1.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси	27.03.2009 йил. № 1	1. Юсупов Дилрух Раҳимбердиевич 2. Холматов Барот Муидинович 3. Умарова Нодира Рустамовна 4. Искандарова Дилрабо Миронқуловна 5. Салимов Илхом Улашевич 6. Халмуминов Бахриддин Сайфуллаевич 7. Нигматов Утқур Самиджанович 8. Набиев Шерзод Абдухалимович 9. Терлаев Алишер Анатољевич 10. Назарова Садоқат Эрдоновна 11. Гуломов Давлат Алмамадович

1	2	3	4
			12. Очилов Олим Обидович 13. Қодиров Исрофил Хакимович 14. Нарзиев Дилшод 15. Қудратов Шухрат Тахирович 16. Хусенов Алохидин Пардаевич
2.	Оқдарё туман доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.06.2010 йил. № 3	Мухаммадиев Ваҳоб Фуломжон ўғли
3.	Самарқанд вилоят доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.06.2010 йил. № 4	1. Қодиров Исрофил Хакимович в.в.б 2. Умарова Нодира Рустамовна 3. Дусмуродов Аброр 4. Искандарова Дилрабо Муракуловна 5. Холматов Барот Муидинович
4.	Самарқанд шаҳар доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.06.2010 йил. № 5	1. Терлаев Алишер Анатолиевич 2. Очилов Олим Обидович 3. Набиев Шерзод Абдулҳалимович 4. Аҳмеджанов Улугбек Шукуруллаевич
5.	Ургут туман доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.06.2010 йил. № 6	1. Салимов Илхом 2. Бердиев Пўлот Умарович 3. Бердиев Пўлот Умарович
6.	Самарқанд туман доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.06.2010 йил. № 7	Вакант
7.	Пахтачи туман доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.06.2010 йил. № 8	Вакант
8.	Нарпай туман доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.06.2010 йил. № 9	Шуқуров Мумин Миркамолевич
9.	Тайлоқ туман доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.06.2010 йил. № 10	Қодиров Исрофил Хакимович
10.	Пастдарғом туман доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	08.06.2010 йил. № 11	Қабиллов Бабамурад Эштухтаевич
11.	Самарқанд вилоят Ургут туманидаги «Ҳуқуқ ҳисоб ҳамкор» хусусий корхонаси	24.06.2010 йил. № 12	Вакант
12.	Каттақўрғон шаҳар доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	24.09.2010 йил. № 13	Вакант
13.	Каттақўрғон туман доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	24.09.2010 йил. № 14	Вакант
